23 АПР 1990

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 95 (20. 662) • 1990 йил 24 апрель, сешанба • Баҳоси 3 тийин.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросида

КПСС Марказий Комитетининг аъзолари ва партия комитетлари билан маслаҳатлашилгандан сўнг КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига тайёргарлик комиссияси тузилди.

Партиянинг сайлаб қўйиладиган марказий органларининг бир қанча аъзолари, КПССдан сайланган СССР халқ депутатлари, иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетларининг биринчи секретарлари, шунингдек баъзи ўлка, область партия комитетларининг биринчи секретарлари комиссия таркибига кирдилар. Шаҳар, район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари секретарларининг катта гуруҳи, жамиятшунос олимлар комиссия аъзоларидирлар.

Комиссия таркибини унинг ишига КПСС XXVIII съезди делегатларини жалб этиш ҳисобига кенгайтириш кўзда тутилмоқда.

МЎЛ ҲОСИЛНИ КЎЗЛАБ

Айни кунларда жумҳуриятимиз пахтакорлари чигит экиш мавсумини тобора авж олдирмоқдалар. Чигит яхши етилган майдонларга аллақачон уруғ экиб бўлиниши керак эди. Бироқ кетма-кет ёққан ёмғирлар туфайли бу иш ўз муддатида амалга оширилмай қолди. Шу сабабли ҳам жумҳуриятимизда чигит экиш ўтган йилгидан бирмунча кечикмоқда.

Лекин ўз ишининг билимдонлари ҳисобланган миришкор деҳқонлар мана шундай оғир шароитларда ҳам об-ҳавонинг қулай келган ҳар бир кунидан самарали фойдаланишмоқда. Улар тракторлар бемалол юриши мумкин бўлган майдонларда чигит экишни давом эттирдилар.

Бухоро область Ғиждувон районидаги «СССР 60 йиллиги» колхозининг миришкор деҳқонлари ҳам ана шундай билимдонлик билан иш юритмоқдалар. Майдонларга ер етилиши билан фурсатни бой бермай барака уруғи қадамоқдалар. Бу ишда хўжаликнинг 4-бригадаси аъзолари пешқадамлик қилмоқдалар. Улар бу йил мавжуд 45 гектар майдоннинг ҳар гектаридан пландаги 32 центнер ўрнига 40 центнердан ҳосил олишни мўлжаллаб меҳнат қилмоқдалар. Шунинги диққатга сазоворки, улар ўз тажрибаларида бир неча бор синаб кўрган «Бухоро—6» навли ғўза уруғини экмоқдалар. Улар мана шу нав туфайли ўтган йили анчагина даромад олишганди. Бригада азаматлари ерларга чигит қадашни қисқа муддатларда якунлашга аҳд қилишди.

Суратларда: 1. Сеялкачи Раҳмат Мирбеков ва колхоз раиси Рамазон Аслонов. 2. Чигит экиш пайти.

Н. Муҳаммаджонов олган суратлар.





ДАЛАЛАРДАН ДАРАКЛАР

● ТАРАДДУД

Иштихон райони пиллакорлари бу йил 376 тонна «кумуш тола» етиштиришга аҳд қилишган. Шу мақсадда хўжаликларда ипак қурти боқиш мавсумига пухта ҳозирлик кўриляпти. Бугунги кунга келиб мавжуд тутларнинг таги юмшатилиб, озиқлантирилди ҳамда суғорилди. 71 жойда инкубация ташкил этилиб, улар керакли жиҳозлар билан таъминланди. Ипак қурти боқиладиган звенолар аниқланиб, 142 нафар инкубистнинг малакаси оширилди.

● МУКОФОТГА «ЖИГУЛИ»

«Правда» колхозининг ғаллачилик звеноси бошлиғи Тўра Маҳмудов ўтган йили баракали меҳнати туфайли 15 гектар майдондаги ғалланинг ҳар гектаридан 45 центнердан, жами 65 тонна сара дон етиштирган эди. Ғ.йон партия комитети ва район Совети ижроия комитети бу меҳнатсевар деҳқоннинг кўп йиллик меҳнатини инобатга олиб, уни «Жигули» енгил автомашинаси билан мукофотлади.

Жорий йилда Тўра Маҳмудов беда парвариши билан шуғулланяпти. Ҳозиргача бедапояларнинг гектарига 250 килограммдан аммофос солиниб озиқлантирилди.

Тажрибали деҳқоннинг аҳди гектаридан 220 центнердан сервитамин озуқа етиштириш.

У. САИДОВ.

● ТЕЗКОРЛИК БИЛАН

Биринчи Май шарафига социалистик мусобақани авж олдирган Ғиждувон ноҳиясидаги «Коммунизм» колхозининг Намоз Рустамов етакчилик қилаётган бригадаси аъзолари чигит экиш мавсумини ҳар томонлама уюшқоқлик билан олиб боришаётир. Бригаданинг моҳир механизатори Азим Сафаров билан сеялкачи Қурбон Рустамовлар ҳар куни 6—7 гектар ерга «Бухоро—6» навли пахта уруғини қадаяптилар. Заршунослар беш йилликнинг якунловчи йилида гектаридан 35 центнердан, жами 168 тонна ҳосил олишни режалаштирганлар.

А. АҲАДОВ.

Шунингдек, дала ишлари тўғрисида редакциямизга наманганлик Р. Қурбонов, К. Жўраев, А. Асроров, бухоролик Б. Мансуров, жиззахлик И. Юнусовлар ҳам турли мазмунда хат-хабарлар йўллашган.

ХХР ДАВЛАТ КЕНГАШИ РАИСИНИНГ ТАШРИФИ

Совет ҳукуматининг таклифига мувофиқ ХКП Марказий Комитети Сиёсий бюроси доимий комитетининг аъзоси, ХХР Давлат Кенгашининг раиси Ли Пэн 23 апрель куни расмий ташриф билан Москвага келди.

Аэродромда Ли Пэнни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. И. Рижков, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри Э. А. Шеварднадзе, бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

Автомашиналар кортежи мотоциклчиларнинг фахрий ҳамроҳлигида боргоҳ томон йўл олди.

(ТАСС).

• Кундалик маълумотлар изидан

Ўзбекистон ССР Давлат статистика комитети хабар қилади

ФУРСАТ ҒАНИМАТ, У БЕКОР ЎТМАСИН

Жумҳуриятимизда об-ҳавонинг бот-бот ўзгариб, кетма-кет ёғингарчиликлар бўлаётганлиги туфайли чигит экиш бироз кечикмоқда. Лекин шунга қарамай илғор район ва хўжаликларининг деҳқонлари бу ишни тобора қизитмоқдалар. Айниқса Бухоро, Хоразм ва Сурхондарё вилояти далаларида чигит экиш кўнгилдагидек олиб борилаётир. Ғиждувон, Ангор, Олот, Шофиркон, Пешку, Хонқа, Урганч, Свердлов, Боғот, Шўрчи ва бошқа районларда экиш агрегатларининг кунлик иш унуми 7—7,5 гектарни ташкил этмоқда.

Агар ўтган йилнинг мана шу кунларига қиёслайдиган бўлсак, бу йил жумҳуриятимиз бўйича кўрсаткичлар анча паст эканлигини ҳис қилиш мумкин. Ушанда апрель ойининг шу кунларигача 1,5 миллион гектардан зиёд ерга чигит экиб бўлинганди. Кунлик суръат 150—200 минг гектарни ташкил этганди. Ҳозир эса кунлик суръат ўтган йилгиниг ярмига ҳам бормайди. Сирдарё, Самарқанд, Қашқадарё вилоятларида, Қорақалпоғистон мухтор жумҳуриятида, Навбаҳор, Когон, Шовот, Қўшкўпир, Китоб, Муборак, Шеробод ва бошқа районларда суръат анча суст. Самарқанд областида атиги 5 минг, Сирдарёда 13 минг гектар ерга чигит экилгани ачинарли.

Бу йилги экиш мавсумининг ўзига хос жиҳати шундаки, барча юмушлар қатъий график асосида амалга оширилиши керак. Иқтисодий омиллар эса ўтган йилиёқ ўзининг ижобий натижаларини кўрсатди. Бу йил биринчи ва иккинчи навли хом ашё учун тўланадиган ҳақ 240 сўмга кўпаяди. (Ўтган йили 90 сўм эди). Учинчи нав учун 120 сўм кўп ҳақ тўланади. Қўшимча ҳақнинг умумий миқдори 850 миллион сўмни ташкил этади. Хўжаликлар экин майдонлари структурасини аниқлашда тўла мустақиллик олдилар. Шунинг учун ҳам республикада пахта етиштириладиган майдонлар қарийб 160—170 минг гектарга камайтирилди. Бу билан узоқ йиллардан буён суст ўзлаштириб келинган алмашлаб экиш агротехникасини энди жадаллаштириш имконияти вужудга келди. Каттагина майдонларда, хусусан пахтадан бўшаган ерларда озуқа экинлари етиштириш мумкин. Шу йўл билан яқин келажакда чорва молларини мўл озуқа билан таъминлаш муаммоси, шубҳасиз ҳал бўлажак. Умуман бу йил чигит экиладиган майдонлар 1,8 миллион гектарни ташкил этади. Толага бўлган давлат буюртмаси 1,5 миллион тонна. Лекин хўжаликлар ўз ишларини хом ашёга қараб юритадилар. Пахта заводлари билан ўзаро ҳисоб-китоблар ҳам ўзгармайди. Энди пахта етиштирувчилар билан қайта ишловчилар ўртасидаги муносабатларни ўзгартириш учун замонавий назорат-ўлчов аппаратлари зарур. Уни чет элдан валютага сотиб олишга тўғри келади. Бу борада дастлабки қадам қўйилди. Тошкентда Ўзбекистон давлат стандартида толани халқаро стандартларга кўра текшира бошланди.

Хўш, айни пайтда жумҳуриятимизда озуқа экинлари экиш суръати қандай? Яна Ўзбекистон ССР Давлат статистика комитети маълумотларига назар соламиз. Ўтган йили шу вақтгача 1 миллион 687,132 гектар ерга дон сепилган бўлса, бу йил атиги 743.002 гектар ерга дон экилди. Бу борада қорақалпоғистонликлар олдинда боришмоқда. Улар ўтган йилгидан 12 минг 111 гектар „зиёд майдонга дон экишди. Бироқ бошқа областларда дон экишда сусткашликка йўл қўйилди. Айниқса, Сирдарё, Қашқадарё, Самарқанд, Наманган, Сурхондарё Бухоро вилоятларида бу иш анча кечикмоқда.

Тўйимли чорва озуқаси — маккажўхори экиш борасида ҳам Қорақалпоғистон мухтор жумҳурияти деҳқонлари пешқадам. Улар 2286 гектар майдонга уруғ қадашди. Бошқа ҳамма вилоятларда эса бу юмуш ниҳоясига етказилгани йўқ. Умуман жумҳуриятимиз бўйича атиги қарийб 112 минг гектар ерга уруғ экилди.

Бу йилги кўклам серёғин келиши туфайли далаларда, қирадирларда, яйловларда ўт-ўланлар сероб бўлиши кутилмоқда. Бироқ шунга қарамай, фақат табиатдан инъом-эҳсон кутиб ўтириш билан иш битмайди. Чорва озуқаси етиштиришга эътиборни янада кучайтириш талаб этилади. Бу борада ҳам жумҳуриятимизда қолоқлик юз бермоқда. Атиги 17 минг гектардан зиёд ерга илдиз мевали экинлар ва озуқа лавлагиси экилди. Бир йиллик ўт-ўланлар экишда ҳам суръат бултургидан анча паст.

Шуниси қувончлики, картошка экиш борасидаги кўрсаткичлар бирмунча дуруст. Агар бултур шу даврга ча 16371 гектар ерга картошка экилган бўлса, бу йил 18366 гектар майдонга ана шу экин жойлаштирилди.

Айни пайтда сабзавот экинларини жойлаштиришда камчиликлар кўп. Ўтган йилнинг шу даврига ча 44145 гектар ерга сабзавот экилган бўлса, бу йил бу кўрсаткич зўрга 41 минг гектарга етди. Бу борада Андижон, Бухоро, Тошкент, Самарқанд, Сурхондарё, Фарғона областлари орқада қолишаётир. Полиз экинлари экиш суръати ҳам ҳали суст.

Кўриниб турибдики, жумҳуриятимизда қишлоқ хўжалик экинларининг кўпгина турларини экиш бўйича бултургидан анча орқада қолинмоқда. Бу аҳволда эл дастурхонига эртаки сабзавот ва бошқа маҳсулотлар етказиб бериш плани бажарилмай қолиши мумкин. Мана май ойи ҳам яқинлашиб қолди. Одатда бу ойда экинлар униб чиқиб, уларни парвариш қилиш авжига чиқарди. Ҳамонки, экиш суръати паст экан, эндиликда об-ҳаво қулай келган ҳар бир кундан самарали фойдаланайлик. Барча колхоз, совхоз ва районларда бутун техника воситаларини далада унум билан ишлатиш даркор. Ҳали фурсат бор. Ғанимат дамларни бой бермай, қолган барча юмушларни ҳам тезкор суръатлар билан амалга ошириш бугунги куннинг асосий вазифасидир.

ДЕҲҚОНЧИЛИК САНОАТИ БЎЛИМИ.

• Хўжаликни янгича юритиш сабоқлари

ИНТИЛИШ

Йилига 1 миллион сўмлик қурилиш-ремонт ишларини бажариб келаётган трестимиз коллективи икки йилдан буён тўла хўжалик ҳисоби асосида меҳнат қилмоқда. Биз кишиларимизни амалда ижтимоий тараққиётнинг марказига қўйишга, уларга муносиб турмуш ва меҳнат шароитлари яратиб беришга эътиборни қаратдик. Шу туфайли ташаббускорлик, ҳамжиҳатлик билан ишлашга интилиш кучайди. Яқинда 48 нафар ишчи оиласи квартира билан таъминланди. 51 нафар ходимга ер участкалари ажратиб берилди. Шу кунларда эса навбатдаги 24 квартирали уй тикланяпти. Мақсадимиз, 1997 йилгача коллективимизнинг ҳар бир аъзосини тўла уй-жой билан таъминлаш.

Ёзги таътил кунларида фарзандларимизнинг кўнгилли ҳордиқ чиқаришлари учун Косонсойда 200 ўринли «Шодлик» пионер лагеримиз, ишчи-хизматчилар учун Нанайда 40 ўринли «Ор-зу» дам олиш масканимиз бор. Бундан ташқари трестнинг барча ташкилотлари мебель, телевизор ва спорт буюмлари билан жиҳозланган, дам олиш хоналари, душхона, фин ҳаммоми мавжуд. Ҳозирги кунда коммунал хўжалик хизмати ходимлари учун Чортоқ районида юз ўринли санаторий-профилакторий қуриш лойиҳалаштирилмоқда.

Трест ўз теплицасига ҳам эга. Бу ерда кўчатлар, помидор, бодринг ва лимон етиштирилиб ишчилар дастурхонига тортиқ этиляпти. Ўтган йили 8,5 тонна картошка етиштирилди, 5,5 минг туп мевали дарахт ўтқазилди. Айни пайтда кичик чорва фермасини қуряпмиз.

Албатта, бундай тадбирларга озмунча маблағ сарфлангани йўқ. Лекин биз хўжалик ҳисоби самараларидан фойдаланган ҳолда мазкур ишларни амалга оширяпмиз. Шу ўринда бир нарсани таъкидлаб ўтай: илгарилари кичкина қурилиш ёки реконструкция қилиш учун ҳам юқори ташкилотнинг рухсати ва маблағини кутган бўлсак, энди бу ишларни меҳнат коллективи кенгаши билан бамаслаҳат ўзимиз ҳал қиляпмиз.

Трест маъмурияти меҳнат коллективи кенгаши билан келишиб ишлаб топилган маблағларни эртанги кунни ўйлаган ҳолда ташкилотларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга ҳам ажратмоқда. Ҳозир шу маблағлар ҳисобига Янгиқўрғон районида карбид ишлаб чиқарувчи цех, Наманганда таъминот базаси барпо этилаётир, машина-транспорт парки эса қайтадан қуриляпти.

Коллектив аҳли эришилган натижалар билан қаноатланиб қолмай, хўжалик юритишнинг янада янги, такомиллашган шаклларини синовдан ўтказяпти. Масалан, бинокорлик маҳсулотлари, темир-бетон буюмлари ва асфальт ишлаб чиқарувчи саноат хоналарини ижарага бердик. Чўян маҳсулотлари тайёрловчи цехни кооперативчилар олишган. Ғишт заводини ҳам ижарага бериш ниятидамиз. Ҳозир 8 та ташкилотимизда аҳолига пуллик хизмат кўрсатадиган ҳамда ремонт, қурилиш, дурадгорлик, сантехника ва электр монтёрлиги бўйича ихтисослашган кооперативлар ишлаб турибди. Уларнинг кучи билан аҳолига 395 минг сўмлик хизмат кўрсатилди.

Хуллас, ютуқларимиз кўп. Лекин жиддий ташвишга солаётган муаммоларимиз ҳам бор. КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг уй-жой, коммунал хўжалиги ишини янада ривожлантириш тўғрисидаги қарори жуда суст амалга оширилиши оқибатида ишимизда кескин бурилиш бўлмаяпти. Қарорда 1988 йилдан бошлаб СССР Госплани ва СССР Госснаби моддий-техника ресурсларидан 1 миллион сўмини қурилиш-ремонт ишларига белгиланган нормалар асосида ажратиши, коммунал ва йўл қурилиши техникалари, металл қувурлар фондларини кўпайтириши, бундан ташқари иттифоқдош республикалар Министрлар Советлари пландан ортиқ ишлаб чиқарган маҳсулотларни уй-жой, коммунал хўжалигига бериш тўғрисида таъкидланди-ю, тадбирлар қоғозда қолиб кетди. Чунончи, маҳаллий Советлар уй-жой фондларининг капитал ремонтига ажратилаётган санитария-керамика ускуналари, раковиналар, пардозлаш плиткалари, вентиллар билан таъминлаш 40—55 фоизни ташкил этади. Линолеум масаласи бундан ҳам ёмон, 27 минг квадрат метр ўрнига 14 минг квадрат метр берилган, холос.

Жуда кўп турдаги маҳсулотларнинг улгуржи савдо ва бевосита хўжаликлараро алоқалар орқали таъминлашга ўтказилиши бу борада юқори органлар кутган ижобий ўзгаришларга олиб келмади. Очиғи, ҳали мамлакат миқёсида танқис бўлиб турган рубероид, ойна, полга тўшаладиган плиталар, вентиллар ва бошқа маҳсулот турлари ишлаб чиқарувчиларнинг мутлақ ҳокимлиги тугатилмаган бир шароитда улгуржи савдога бирига боғлиқлиги ва устига устак гоҳ у, гоҳ бу квартираларнинг эгалари ўз уйларида йўқлиги туфайли ремонт ишларининг чўзилиши ва сифатига путур етиши ҳоллари юз бермоқда.

Иккинчидан эса, ситиш ва санитария-керамика ускуналарининг, линолеум ва бошқа маҳсулотлар лойиҳачилар томонидан ремонт ишлари планлаштирилиши олдидан — шу кундаги ҳолатига қараб алмашлаш учун сметага киритилади. Қўлимиздаги мавжуд лойиҳалар шуни кўрсатяптики, ҳар юз квартирага ўртача 35-40 та санитария-керамика ускуналари, 5-6 та ванна тўғри келади. Ана шу маҳсулотларнинг хизмат қилиш муддатлари қатъий белгиланган бўлишига қарамай, бир вақтда қуриб битказилган уйда кимгадир давлат ҳисобидан ускуналар алмаштириб берилади, кимга эса йўқ. Қисқа қилиб айтганда, ўз уйидаги жиҳозларни авайлаб-асраб, яхши сақлаган кишиларга деярли ҳеч нарса алмаштирилмайди.

Ёмон асралган ускуна-жиҳозлар давлат ҳисобидан алмаштирилади. Мана шу ҳолат капитал ремонт вақтида катта норозиликларга, жанжалларга сабаб бўлмоқда. Фикримизча, ҳуқуқий давлат асослари юзага келаётган бир шароитда ҳар қандай адолатсизликка чек қўйилиши ва бу соҳада мумкин қадар тезроқ тартиб ўрнатилиши зарур.

Трестимиз коллективи бу йил 51,6 минг квадрат метр турар жойни ва 30 километр водопровод тармоқларини, 42 та мактабгача тарбия муассасаларини, 3715 ўринли касалхоналарни сифатли ремонтдан чиқарадилар. Айни кунларда бу залворли вазифаларни ўз вақтида уддалаш учун коллективимиз аҳли астойдил меҳнат қиляпти.

Ҳ. МАЛИКОВ,
Наманган область қурилиш-ремонт трести бошқарувчиси.

ПЕНСИЯ МЕҲНАТГА ЯРАШАМИ?

«Ҳарбий хизматчиларнинг пенсия таъминоти тўғрисида»ги СССР қонунини амалга ошириш билан боғлиқ қўшимча харажатлар йилига 1,5 миллиард сўмни ташкил этади. Бу қонун лойиҳасини муҳокама қилиш билан 21 апрель куни СССР Олий Совети палаталарининг қўшма мажлиси иши бошланди.

Мажлисда СССР Давлат меҳнат ва ижтимоий масалалар комитетининг раиси В. И. Шчербаков сўзга чиқди. У тақдим этилган лойиҳада «СССР гражданларининг пенсия таъминоти тўғрисида»ги СССР қонуни лойиҳасида кўзда тутилган асосий принциплар ва барча асосий нормалар ҳисобга олинганлигини тушунтириб берди. Масалан, бу пулнинг қадрсизланиши жараёнларининг ўрнини қоплайдиган индексацияга, пенсияларни оширишга тааллуқлидир. Шу билан бирга нотиқ айни иккита алоҳида қонун қабул қилиш зарурлигини таъкидлади. Агар пенсия тўғрисидаги қонунларда ишчилар ва хизматчиларга нисбатан меҳнат фаолиятининг давомийлиги мумкин қадар тўла даражада рағбатлантирилса, прапорщиклар, мичманлар, офицерларга нисбатан буни қўлланиш мақсадга мувофиқ эмас.

Янги қонун жорий этилиши билан ҳарбий хизматчилар, командирлар ва ички ишлар органлари оддий состави ва уларнинг оилалари пенсия таъминоти даражаси ўртача 15-20 фоиз, уруш ногиронлари ва ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар оилаларининг пенсия таъминоти 30-40 фоиз ошади.

Депутатлар баъзи мулоҳазаларни айтдилар. Хусусан бир томондан, бутун ҳаёти штаб ишларида ўтган кишилар билан иккинчи томондан, мисол учун фронтчилар, оператив вакиллар, сув ости денгизчиларига нисбатан табақалаштирилган муносабатда бўлиш зарурлиги тўғрисида гап борди. Қонунни 9 май кунигача қабул қилиш тўғрисида таклиф киритилди.

СССР Олий Совети қонунининг асосий қоидаларини биринчи муҳокамада маъқуллади ҳамда комиссиялар ва комитетларга уни пухта ишлаб чиқишни топширди. Бу комитетларнинг орасида 21 апрель куни тузилган байналмилалчи жангчилар ишлари янги комитети ҳам бор. П. В. Шетько бу комитетнинг раиси бўлди.

«СССР гражданларининг пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонун лойиҳаси хусусида мунозара бошланди. Депутат Л. И. Суховнинг гапларига қўшилмаслик мумкин эмас. — Меҳнатга ҳақ тўлашда ижтимоий адолат йўқ экан, пенсия масалаларини ҳал қилишда ижтимоий адолат ҳақида қандай гап бўлиши мумкин? — деди у.

Лойиҳада тамаки етиштирувчиларнинг, баланд тоғларда ишлайдиган чўпонларнинг, механизаторлар, автомобилчилар, авиадиспетчерларнинг жуда оғир иш шароити ҳисобга олинмаганлиги ҳақида гапирилди. Кўпгина депутатлар касблар рўйхатини тўлдиришга тайёр эдилар. Қуйидаги мулоҳаза ғоят ўз вақтида айтилган эътироз бўлди. Имтиёзли пенсия таъминоти тўғрисида гапирганда у ёки бу касбларнинг оғирлигини, иш шароитидаги регионларнинг ўзига хос хусусиятларини илмий жиҳатдан асосламаслик мумкин эмас.

Бироқ В. И. Шчербаковнинг фикрича, бу масаладаги холис ва кенг қамровли экспертиза ҳақиқатни акс эттирмайди. У имтиёзли пенсиялар рўйхатини 9,5 миллион кишини эмас, балки 17 миллион кишини ўз ичига оладиган қилиб кенгайтириш ғоясини қувватламади. Давлат комитетининг раиси кўп ҳолларда имтиёзларни ҳукумат эмас, балки корхоналарда — коллектив меҳнат шартномалари доирасида белгилаш лозимлигини таъкидлади.

Шуни ҳам айтиш керакки, бу ҳақдаги масалани қонун лойиҳасида ҳал этиш зарурлиги депутатлар сонининг овоз бериши учун камлиги сабабли ўз-ўзидан тушиб қолди, танаффусдан сўнгги мажлисда қатнашаётган депутатлар сони овоз бериш учун етарли эмаслиги маълум бўлди.

Мажлисда раислик қилувчи А. И. Лукьянов депутатларнинг икки гуруҳидан тушган хатлар ва сўровлар ҳақида маълум қилди. Уларда, парламент аъзоларининг фикрича, «Огонёк» журнали жамиятимиз тараққиёти тарихини, қуролли кучларнинг ролини ҳолис акс эттирмаганлиги, ҳарбий хизматни, уруш ветеранларининг шаҳ ва қадр-қимматини камситувчи материаллар эълон қилинганлиги айтилган. Бу ҳужжатлар ўрганиб чиқиш учун тегишли парламент комиссиялари ва комитетларига топширилди.

Ю. ВОРОБЬЕВСКИЙ,
ТАССнинг парламентдаги мухбири.

Партия турмуши: ҳисобот ва сайловлар

Район коммунистларининг вакиллари партиянинг навбатдаги XXVIII съезди арафасида ўтаётган бу анжуманга ижтимоий ҳаётнинг ҳамма соҳаларида қайта қуриш бўйича кейинги бир ярим йил мобайнида амалга оширилган ишларни сарҳисоб этиш, галдаги вазифаларни белгилаб олиш мақсадида тўпландилар. Партия мураккаб даврни бошидан кечираётган ҳозирги пайтда унинг тақдири, обрў-эътибори учун курашиш ҳар бир коммунистнинг амалий вазифасига айланди. Шунга кўра конференцияда район партия комитетининг биринчи котиби Қ. Тўйчиевнинг ҳисобот маърузасида ҳам, музокарада қатнашган бошқа нотиқларнинг сўзларида ҳам ана шу руҳ яққол сезилиб турди. Делегатлар район партия комитетининг ҳисобот давридаги фаолиятини ҳолисона баҳоладилар. КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига Ҳаракат дастури ва партия Устави лойиҳасини, шунингдек Марказий Комитетнинг мамлакат коммунистларига Очиқ хатини муҳокама қилдилар.

МУАММОЛАР ЕЧИМИ АМАЛИЙ ИШГА БОҒЛИҚ

(КОСОН РАЙОН ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯСИДАН)

ХИСОБОТ докладида инсон омилини фаоллаштириш билан боғлиқ ва кўп йиллар давомида тўпланиб қолган социал муаммолар қандай ҳал этилаётганлиги тўғрисида ошкора фикр билдирилди. Партиямиз иқтисодиётни ижтимоий соҳа томон буриш вазифасини қатъиятлик билан амалга ошираётгани ҳозирги шароитда мақбулдир. Зеро, қайта қуришдан кўзланган мақсад ҳам халқнинг фаровон яшашини таъминлашдан иборат. Демак, партия ташкилотларининг бутун фаолияти, сиёсий ва мафкуравий ишлари халқ манфаатларига бўйсундирилиши зарур. Конференция делегатлари райком ва унинг бюроси фаолиятига худди шу нуқтаи назардан баҳо бердилар.

Кейинги пайтда Косон районининг иқтисодий ва ижтимоий ривожланиши бирмунча тезлашди. Ҳисобот даврида саноат корхоналари 152,7 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди. Бу беш йилликнинг дастлабки икки йилидагига нисбатан 12,3 миллион сўм кўпдир. Ўтган йили 60 минг тоннага яқин пахта тайёрланди. Шунингдек, бошқа турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлаш топшириқлари ҳам ошириб бажарилмоқда. Саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига фан ва техника ютуқлари, илғор тажрибалар жорий этилаётганлиги, меҳнатни ташкил этиш, унга ҳақ тўлаш ва рағбатлантириш тўғри йўлга қўйилганлиги муваффақиятлар омили бўлмоқда. Район колхоз ва совхозларида иқтисодиёт ўнгланиб бораётганлиги учун ҳам меҳнат аҳлининг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш аҳволи яхшиланди. Ўтган йилнинг ўзида аҳоли жон бошига реал даромадлар 7 фоиз, ижтимоий-истеъмол фондларидан бериладиган тўлов ва имтиёзлар 8,5 фоиз кўпайди. Колхозчиларнинг ўртача ойлик иш ҳақи 192 сўмни, совхоз ишчиларининг ойлик маоши 246 сўмни ташкил этди. Даромадга қараб буромад деганларидек, шаҳар ва қишлоқларни ободонлаштиришга, янги қурилишга кўпроқ маблағ ажратилмоқда.

Жумҳурият партия ва ҳукуматининг қарори асосида аҳолига томорқа ерлари ажратиб берилганлиги уйжой масаласини ҳал этиш билан бирга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришнинг кўпайишини, хусусан бозорда озиқ-овқат маҳсулотларининг нархини арзонлаштиришни таъминлайди. Косон райони бўйича ҳам 2 минг гектар суғориладиган ер майдони томорқа учун ажратилди. Қишлоқларда 2553 оила, Косон шаҳрида эса 1091 оила ер участкаси олди. Бироқ шахсий уй қурувчилар кўпайгани сари қурилиш материалларига бўлган талаб ва эҳтиёжлар ҳам ошиб бормоқда. Музокарада қатнашган район ижроия комитетининг раиси Н. Аллаёров бу муаммони ҳал қилиш учун муайян ишлар амалга оширилаётганлигини айтди. Қисқа вақт ичида шаҳар савдо ташкилотлари қошида, шунингдек, тўртта хўжаликда гишт қуйиш ва пишириш цехлари қурилди. 2 та совхозда оҳак ишлаб чиқарилмоқда. Ҳозир районда ўнга яқин қурилиш кооперативлари аҳоли буюртмаларини бажараётир.

Делегатлар аҳолини иш билан таъминлаш энг ўткир ижтимоий масалалардан бири эканлигини уқтириб ўтдилар. Ҳозир шаҳар ва қишлоқларда ишчи ўринлари етишмайди. Афсуски, ижтимоий ишлаб чиқаришда банд бўлмаган кишилар орасида кўплаб аёллар ва ёшлар бор. Тўғри, район партия, совет ташкилотлари ишчи ўринларини кўпайтириш йўлларини изламоқдалар. Шу мақсадда Косон шаҳрида Қозон оптика-механика заводининг филиалини қуриш лойиҳалаштирилди ва ёзув машинкалари ишлаб чиқарадиган бу корхонани бунёд этишга киришилди. Қатор колхоз ва совхозларда ғишт ва бетон тайёрлайдиган заводлар, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш цехларини қуриш кўзда тутилмоқда. Кўрилаётган ана шу тадбирлар натижасида келгусида 5 мингдан зиёд меҳнатга яроқли кишини иш билан таъминлаш имконияти яратиляпти.

— Аммо бу ишлар етарли эмас, — деб таъкидлашди сўзга чиққан нотиқлар. — Ишсизлик оқибатида аҳолининг анчагина қисмида даромад жуда оз. Афсуски, бозорларда нарх-наво қиммат. «Большевик» совхози партия комитетининг котиби Б. Фармонов бунга аниқ мисоллар келтирди. Чўпон бир бош қўйни бир ой боққани учун атиги 57 тийин иш ҳақи олади. Ёки комбайнчининг бир кунда 8 гектар ердаги ғалланн ўриб олиши норма қилиб қўйилган. Агар бу нормани бажаргудай бўлса, эвазига 6 сўм ҳақ олади. Кун бўйи жазирама иссиқда ишлаган одам учун бу ҳақ оз эмасми? Партия ташкилотлари кўп йиллар мобайнида тўпланиб қолган ижтимоий муаммоларнинг ечимларини топиш устида иш олиб бормоқдалар. Бироқ, буларни бирданига ҳал этиш қийин, албатта.

— Масалан, совхозимиз қишлоқларида кейинги икки-уч йил ичида анчагина социал-маданий объектлар қурилганига қарамай, ҳали одамларнинг яшаш шароити ночор аҳволда, — деди ўз сўзида совхоз коммунистларининг етакчиси. — Айниқса Хўжақудуқ, Алачабоп каби йирик қишлоқларимизга ҳанузгача асфальт йўл бормаган. Хонадонларни газлаштириш, водопровод ўтказиш ҳам ўлда-жўлда.

— Қуруқ гап билан одамларнинг онгини, меҳнатга муносабатини ўзгартириб бўлмайди, — деб бу фикрни ривожлантирди ёғ-экстрация заводи слесари Р. Қудратов. — Ишчи ўз корхонасининг хўжайини деб гапирамизу, лекин бизда амалда бунинг тескариси рўй беряпти. Маъмурий бўйруқбозликдан ҳамон қутилаолмаяпмиз. Шу сабабга кўра, бултур планни бажара олмадик. Хуллас, югур-югур билан ишимизда унум бўлмаяпти. Оқибатда маош ҳам кам. Ишчиларга озроқ мадад бўлсин деб маъмурият ва касаба союз комитети уларга 500 килограммдан 1 тоннагача шелуха тарқатишга рухсат беришган эди. Тафтишчилар буни ҳам қонунга хилоф деб топишди. Хўш, бу ерда адолат қани? Демоқчиманки, сўзимиз моддий заминга эга бўлсагина ундан самара кутиш мумкин. Партия ташкилотлари омма орасида мафкуравий иш олиб бораётганларида бунга алоҳида эътибор беришлари зарур.

Конференцияда сўзга чиққан кўп нотиқлар КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига Ҳаракат дастури лойиҳаси ҳақида тўхталиб, маҳаллий шароитларни ҳисобга олган ҳолда қишлоқ аҳолиси ҳаёти ва меҳнат фаолияти билан боғлиқ бир қанча муҳим таклифларни ўртага ташладилар. Жумладан, Ленин номли колхоз комсомол комитетининг котиби Р. Нуркамолов, «Шарқ юлдузи» колхози бригадаси бошлиғи, Ўзбекистон ССР халқ депутати А. Муқимов ўзлари ишлаётган хўжаликларда ижтимоий масалалар қандай ҳал этилганлиги ҳақида тўхталиб, Пўлати зонасида тўқимачилик ёки тикувчилик фабрикаси қуришни таклиф этдилар. «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» совхози бош инженери Ш. Ҳақимовнинг фикрича, агар хўжаликда бетон заводи қурилса якка тартибда уй-жой қураётган кишиларга қулайликлар яратилган бўлар эди. Энгельс номли совхоз директори А. Холлиев агросаноат комплекси бўғинларини бошқаришда юзага келган сансалорлик ҳақида гапирди. Свердлов номли совхоз директори Т. Султонов, Бўлмас қишлоқ Совети ижроия комитети раиси М. Саидов аҳолига хизмат кўрсатиш тармоқлари ишига партиявий раҳбарликнинг бўшлиги, ана шу соҳа раҳбарлари ва партия ташкилотларига нисбатан етарли талабчанлик кўрсатилмаётганлигини қаттиқ танқид қилдилар. Айниқса медицина ва савдо ходимлари ишидан меҳнаткашлар норози бўлмоқдалар. Халқнинг кайфиятига таъсир кўрсатувчи бу соҳалардаги ишларни тартибга солиш, аҳолига коммунал, маиший, алоқа ва транспорт хизмати кўрсатишни ривожлантириш сира кечиктириб бўлмайдиган вазифалардан биридир.

Конференцияда сўзга чиққан коммунистлар ўзлари меҳнат қилаётган коллективлар ҳаётидаги ва район миқёсидаги муаммолар, ишдаги нуқсонлар ҳақида ошкора фикр юритиш билан бирга, КПСС Устави лойиҳаси тўғрисида ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Партия конференциясининг «КПСС Устави лойиҳаси тўғрисида»ги резолюциясида район коммунистларининг умумлаштирилган таклифлари ўз ифодасини топди. Уларнинг фикрича лойиҳанинг биринчи бандидан «Партия қарорларини бажарувчи» деган жумла чиқариб ташлангани тўғри эмас. Чунки бу коммунистларнинг масъулиятини пасайтиради. Ҳолбуки, ҳар бир коммунист партия қарорларини бажармоғи шарт. Лойиҳанинг тўртинчи бандидаги КПСС аъзолигига қабул қилиш тўғрисида бошланғич партия ташкилоти йиғилиши қарори узил-кесил, дейилган жумлани ҳам қайта кўриб чиқиш лозим бўлади. Агар партияга қабул қилиш тўғрисидаги қарор шаҳар ёки район партия комитетлари томонидан тасдиқланмаса, партия аъзоси деган номга нолойиқ шахснинг ҳам КПСС сафига кириб қолиши учун йўл очилади. Ҳозирги вазиятда эса партия сафларининг софлигини сақлаш муҳим аҳамиятга эга.

КПСС Марказий Комитетининг мамлакат коммунистларига Очиқ хати муҳокамаси бўйича сўзга чиққан Ленин номли совхоз директори М. Ғозиев, район ветеранлар кенгаши раиси Я. Дўсанов, Косон шаҳар план комиссиясининг раиси Ҳ. Маматқулов, халқ депутатлари район Совети раисининг ўринбосари Н. Қўлмирзаев, «Шарқ юлдузи» район газетасининг муҳаррири Н. Муҳамедов ва бошқа нотиқлар партиянинг обрў-эътибори, КПСС сафларининг софлиги ва жипслиги учун кураш ҳар бир коммунистнинг бурчи ва асосий вазифаси эканлигини таъкидладилар.

Конференцияда область партия комитетининг биринчи секретари А. Р. Отажонов қатнашди ва нутқ сўзлади. Конференцияда район партия комитетининг, район партия ташкилоти назорат-тафтиш комиссиясининг янги составлари, область партия конференциясига делегатлар сайланди.

М. ПИРМАТОВ,
«Қашқадарё ҳақиқати» газетаси муҳаррири ўринбосари.

М. КАРОМОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

«Известия ЦК КПСС» журналининг навбатдаги сони

«Известия ЦК КПСС» журналининг тўртинчи сони босмадан чиқди ва обуначиларга юборилмоқда. Журнал партия Марказий Комитетининг 1990 йил март ойидаги ишлари ҳақидаги ахборот, КПСС Марказий Комитети март Пленумининг қарорлари, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси ва Марказий Комитет секретариатининг янги қарорлари билан очилади.

Журналнинг анчагина қисмини КПСС Марказий Комитетининг 1989 йил 9 декабрда бўлиб ўтган Пленумининг стенографик ҳисоботи эгаллаган. Маълумки, бу Пленум СССР халқ депутатлари иккинчи съезди масалаларини кўриб чиққан, КПСС Марказий Комитетининг Россия бюросини тузган, республика ва маҳаллий Советларга сайлов муносабати билан КПСС Марказий Комитетининг мурожаатномасини қабул қилган, ташкилий масалаларни ҳал этган эди.

КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги партия назорати комитетининг иши тўғрисидаги навбатдаги ахборотда раҳбар коммунистлар ижтимоий соҳанинг моддий-техника базасини ривожлантириш ва бир марта фойдаланиладиган шприц ишлаб чиқариш тўғрисидаги қарорларни қандай бажараётганликларини текшириш якунлари муҳокама қилингани, Ворошиловград область партия ташкилотида коммунистларнинг шахсий ишлари ва шикоят аризаларини кўриб чиқиш практикасини ўрганиш натижалари ҳақида, 30 та шикоят аризаси кўриб чиқилгани тўғрисида ҳикоя қилинади.

«КПСС XXVIII съезди олдидан» бўлимида КПСС янги Уставига доир Марказий Комитетга келган таклифларнинг навбатдаги туркуми журналхонларга ҳавола этилган, Қозоғистон партия ташкилотларида съездолди баҳслари қандай бораётганлиги ҳақида хабар қилинган.

КПССнинг 1990 йил 1 январидаги таркибига доир статистика маълумотлари, КПСС Марказий Комитети аъзолари ва аъзоликка кандидатлар Марказий Комитетга келувчиларни қабул қилиши тўғрисидаги ахборот, Украина Компартияси Марказий Комитети секретариатининг Украина деҳқонлар демократик партиясини тузишда иштирок этаётган КПСС аъзоларининг ҳаракатларига сиёсий баҳо бериш тўғрисидаги қарори, партия ходимларини сайлаш ва тасдиқлаш, КПССнинг халқаро алоқалари тўғрисидаги хабарлар, коммунистик, ишчилар, революцион-демократик ва миллий-демократик партиялар раҳбарларининг қисқача таржимаи ҳоли, нодир фотоҳужжатлар журналдан жой олган. Журнал ўқувчиларнинг саволларига жавоб қайтариб, 1985-1990 йилларда партия олий органлари иши хроникасини ёритган, мамлакатда норасмий ташкилотларнинг ривожланиши тўғрисидаги хабарни босиб чиқарган.

Журналнинг архив бўлимига партия Марказий Комитетининг 1919 йил октябрь ойининг иккинчи ярмидаги фаолияти хроникаси киритилган. В. И. Ленин туғилган куннинг 120 йиллигига бағишлаб Владимир Ильичнинг 1920-1922 йилларга тааллуқли 14 та янги ҳужжати келтирилган, уларнинг орасида Н. Н. Христинский, В. М. Молотов, Л. Д. Троцкий, Г. В. Чичерин ва бошқалар билан ёзишмалар бор. «Улуғ Ватан уруши тарихидан» рубрикасида 1940-1941 йилларга доир ҳужжатлар, СССР Давлат хавфсизлиги комитетининг ёзма ахбороти. Германиянинг урушга тайёрланаётганлиги ва ҳарбий ҳаракатлар бошланишининг таҳмин қилинаётган муддатлари ҳақидаги разведка хабарлари босиб чиқарилган.

АҚШда «Известия ЦК КПСС» журналининг инглиз тилидаги варианти нашр этила бошланди. Обуначиларга тарқатиладиган нашрда журнал материаллари таржималари бериб борилади ва улар икки бўлим — «СССРнинг ҳозирги сиёсати» ва «СССРнинг сиёсий архивлари» тарзида чиқарилади.

Журнал КПСС Марказий Комитетининг «Правда» нашриёти билан Американинг «Нова сайенс паблишерс» фирмаси ўртасида Бутуниттифоқ муаллиф ҳуқуқлари агентлиги кўмагида тузилган битимга мувофиқ чиқарилади.

(ТАСС).

ЖАРРОҲЛАР КОНФЕРЕНЦИЯСИ

СССР Тиббий фанлар академияси Бутуниттифоқ жарроҳлик илмий марказининг Тошкент бўлимида 23 апрель куни жарроҳлик соҳасидаги ёш олимлар ва мутахассисларнинг илмий-амалий конференцияси очилди.

СССР Тиббий фанлар академияси Бутуниттифоқ жарроҳлик илмий марказининг Тошкент бўлими ўн йилдан кўпроқ вақтдан буён республиканинг энг йирик даволаш ва маслаҳат бериш маркази ҳисобланади. Бу ерда жарроҳликнинг барча ютуқларидан фойдаланилмоқда.

Бўлим Ўзбекистоннинг барча областларидаги врачлар малакасини оширишга, ёш мутахассис кадрлар тайёрлашга муҳим ҳисса қўшиб келмоқда.

(ЎзТАГ).



КАМ ТАЪМИНЛАНГАН ОИЛАЛАРГА

Олмалиқ кон-металлургия комбинати ишчилари доҳий В. И. Ленин таваллудининг 120 йиллигига бағишлаб ўтказилган Бутуниттифоқ шанбалигида фаол иштирок этишди. 15 минг кишилик завод аҳли меҳнат байрамини уюшқоқлик билан ўтказишди. Кўпчилик бевосита ўз дастгоҳи ёнида меҳнат қилган бўлса, қолганлар эса завод территориясини кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ишида қатнашди.

Шанбаликдан тушган маблағнинг 20 минг сўми касаба уюшмаси ҳисобига берилди. Бу маблағнинг 20 фоизи уюшма ташаббусига кўра, Оҳангарондаги қариялар уйига ҳайрия қилинди. Маблағнинг анчагина қисми кам таъминланган ҳамда кўп болали ишчи оилалари, меҳнат ветеранлари, пенсионерлар ижтимоий шароитларини яхшилашга сарфланадиган бўлди.

СУРАТЛАРДА: 1. (Юқорида) Металлургия цехининг катта металл эритувчиси Юрий Дементьев. 2. Пастда илғор ишчи Леонид Коршунов металл намунасини танлаб оляпти.

Р. НУРИДДИНОВ сурати (ЎзТАГ).

ДАВР СИНОВИДАН ЎТГАН

Ижтимоий онгдаги ўзгаришлар адабиёт, санъат ва архитектура соҳасида СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Ленин мукофоти ва СССР Давлат мукофоти комитети фаолиятига ҳам янгилик киритди. 1990 йилги Ленин мукофотларини олиш учун номзодлар муҳокамаси шундан далолат беради.

Бу гал мукофотлар тўғрисидаги янги қоидага амал қилинди, бу қоидалар мукофотга даъвогарларга нисбатан талабни оширди, унинг алоҳида юксак аҳамиятини таъкидлади, деди ТАСС мухбирига комитет раиси **Б. С. Угаров.** У муҳокаманинг сўнгги босқичида яширин овоз бериш учун олти даъвогар қолганлигини маълум қилди. Лауреат бўлиш учун овоз беришда қатнашаётганларнинг тўртдан уч қисмининг овозини олиш лозим эди. Икки киши ана шундай овоз олди, иккаласига ҳам мукофот ўлимидан сўнг берилди.

Кабарда-Балқария халқ шоири Қайсин Қулиевнинг юксак унвон билан тақдирланган «Инсон. Қуш. Дарахт» китоби унинг ўзига хос адабий васиятига айланиб қолди. Китобни нашрга муаллифнинг ўзи тайёрлаган эди.

Кўп миллатли совет адабиётининг кенг уфқида Қайсин Қулиевнинг шоирона овози ўзининг алоҳида оҳанги, тақдир қийинчиликларини ҳис этиши ва инсон қадр-қиймати-нинг улуғворлигини англаши билан аниқ фарқ қилади. Назм тилидаги ёркин образлилик, ҳиссиётларнинг жўшқинлиги ва фалсафий тафаккур, шеъриятда Шарқ ва Европа услубларини бирлаштириш шоирнинг ўзига хос ижодининг ажойиб жиҳатларидир. Ўз шеърларида у ҳаёт ва мамот, муҳаббат ва дўстлик, инсоннинг бурчи ва унинг Ватан олдидаги масъулияти каби доимий мавзуларга мурожаат қилади.

Фронт йўлларидан ҳалол ўтган, кўпгина жанговар мукофотлар билан тақдирланган Қулиев кейинчалик ўз халқи билан она диёридан қувғин қилинган халқнинг қисматига шерик бўлди, букилмади, меҳр-оқибатини, ҳаётга муҳаббатини йўқотмади. Фақат шоирнинг қалбига алам чанги ўтирди, китобларидан бири «Яradор тош» деб аталгани ҳам бежиз эмас. Сўз устасининг шеърияти мамлакатимизда ҳам, чет элларда ҳам тобора кўпроқ таржима қилинмоқда ва машҳур бўлиб бормоқда. Б. Пастернак ва Ч. Айтматов каби адиблар унинг ижодига юксак баҳо беришди. Ч. Айтматов бундай ёзган эди: «Қайсин поэзияси — давр ҳужжатидир. Айни пайтда у ҳозирги инсон маънавий дунёсидаги заррача ўзгаришларни сезгирлик билан ҳис этадиган қалбининг кардиограммасидир. Унинг ижоди замонавий мавзуда эмас, балки замонавийликни ёзиш лозимлигига яна бир карра ишонтиради».

Кинорежиссёр, РСФСР халқ артисти Андрей Тарковский ҳам Ленин мукофоти лауреати бўлди, унинг номи йирик экран усталари номи қаторида туради. У санъатда жуда қисқа лекин ёрқин ҳаёт кечирди, атиги 8 та фильм яратди, улар совет ва жаҳон кинематографияси тарихида алоҳида бир саҳифани ташкил этади. Истеъдодли кино устаси воқеликка ўз қарашларини, бошқаларникидан фарқ қилувчи ўзининг бадиий овозини, инсон руҳияти ичига кириб боришга имкон берадиган ўзининг новаторона тилини қарор топтирди.

Тарковскийни тарих ҳам, замонавийлик ҳам, инсоният мавжудлигини фалсафий идрок этиш ҳам, энг хусусий инсоний хатти-ҳаракатлар ҳам қизиқтирар эди. Унинг «Иваннинг болалиги»дан тортиб «Қурбонлик қилиш»гача ҳамма фильмлари санъаткорни ҳаётнинг мазмуни, абадий аҳамиятга молик маънавий ва ахлоқий қадриятлар тўғрисида чуқур фикр юритишга олиб боради. Тарковский ўз қаҳрамонининг ҳар бир хатти-ҳаракатини ана шу юксак мезон билан ўлчар, ўзи ҳам шу мезон билан яшар эди.

У кўнгилочар фильмлар яратмади, томошабинлар фильмни осон тушуниб етишларига интилмади. Унинг асарлари ғоят теран мазмунга тўла бўлиб, уни дарҳол уқиб олиш қийин, баъзан фикрлар ва туйғуларни зўр бериб ишга солишни талаб қилади. Лекин унинг ҳар бир картинаси қалбларни ташвишга солади, ўйлашга мажбур қилади. Одамларга берилган қобилиятни — инсонийлик қобилиятини сақлашга ва такомиллаштиришга чақиради.

Янги лауреатлар қийин, қизғин ва ҳалол мусобақада ғолиб чиқишди, деб таъкидлади Б. Угаров. Муҳокама батафсиллиги ва қатъийлиги билан ажралиб турди. Унда комитетга ўз мулоҳазалари ва таклифларини ёзиб юборган газетхонлар ва томошабинлар ҳам қатнашдилар. Бу эса мукофотга қўйилган асарлар тўғрисида кенг жамоатчилик фикрини билишга имкон берди.

Фахрли мукофот билан тақдирланган асарлар замонавий бадиий маданиятда яшамоқда, инсоннинг маънавий дунёсини шакллантиришда фаол қатнашмоқда, деди пировардида комитет раиси. Ленин мукофотига сазовор бўлган санъаткорларнинг ижоди кўп миллатли совет маданиятини ривожлантиришга, умумбашарий қадриятлар ва инсонпарварлик ғояларини қарор топтиришга кўмаклашади.

«САЮДИС» СЪЕЗДИ

ВИЛЬНЮС, 22 апрель. (ТАСС мухбири). Фаолиятнинг стратегияси ва тактикасини ўзгартириш зарурлиги «Саюдис»нинг бугун Литва пойтахтида ўз ишини давом эттирган II съездида асосий мавзу бўлди.

Маълумки, салкам икки йил муқаддам вужудга келган ижтимоий ҳаракат яқинда бўлиб ўтган сайловда республика Олий Советидаги ўринларнинг кўпчилигини олди, бутун ҳокимиятни аслида ўз фаолларининг қўлида мужассамлаштирди.

Уч мингга яқин делегатлар ҳаракат уставини ва унинг программасини, резолюция ва бир қанча мурожаатномаларни муҳокама қилдилар. Фаразларга қарамай, «Саюдис» сафларида бўлиниш юз бермади: съезд қатнашчиларининг кўпчилиги «Саюдис»нинг сиёсий партияга айланишига қарши чиқдилар. Ҳаракат ва партия тарафдорларига ажралиш «Саюдис»нинг Литвада етакчи сиёсий куч бўлмай қолишига олиб борган бўлур эди.

Нотиқлар республикадаги ижтимоий-сиёсий вазиятни муҳокама қилишга кўп эътибор бердилар. Сўзга чиққан кишилар республика парламенти 11 март куни қабул қилган қарорнинг бекор қилинишини истамасалар ҳам, уларнинг баъзилари «Саюдис»нинг бундан буёнги тактикаси ва стратегиясини қайта кўриб чиқиш мақсадга мувофиқлигини ёқлаб чиқдилар. Бир қанча нутқларда Литва билан ССР Иттифоқи ўртасидаги иқтисодий муносабатлар характерининг ўзгариши қораланди.

КПСС дастурига амал қилувчи Литва Компартиясининг съезди

ВИЛЬНЮС, 22 апрель. (ТАСС мухбири). КПСС ҳаракат дастурига амал қилувчи Литва Компартиясининг кеча жуда кеч тугаган съезди партиянинг номини ўзгартирди. Энди у Литва Компартияси (КПСС) деб аталади. Анжуман қатнашчилари ЛКП (КПСС) 1918 йилда тузилган Литва Компартиясининг давомчиси эканлигини, ЛКП (КПСС) марксизм-ленинизм ғояларига содиқ қолганлигини партия номи ўзгартирилишига сабаб қилиб кўрсатдилар.

Съезд тугаганидан сўнг ЛКП (КПСС) Марказий Комитетининг пленуми бўлди. Унда пленумда ҳал қилувчи овоз ҳуқуқига эга бўлган делегатлар иштирокида Марказий Комитет Бюроси сайланди. 63 яшар тарихчи М. Бурокявичюс Литва Коммунистик партияси (КПСС) Марказий Комитетининг биринчи секретари қилиб сайланди.

— Литва СССРдан чиқиш ҳуқуқига эга, лекин бу фақат қонуний йўл билан бўлиши керак, — деди КПСС Марказий Комитетининг секретари А. Гиренко Литва Компартияси (КПСС) съездининг биринчи босқичи якунларига бағишлаб бугун ўтказилган мухбирлар билан учрашувда. А. Н. Гиренко съездда Литва коммунистларининг ўз ҳуқуқларини ўзи белгилаши тугалланганлигини таъкидлади. КПСС Марказий Комитетининг секретари КПСС Марказий Комитети мустақил ЛКП билан, шунингдек бошқа партиялар билан ҳам ҳамкорлик қилиш ниятида эканлигини айтди. Бироқ Литва мустақил Компартияси вакилларининг КПСС XXVIII съездида қатнашиши масаласи ҳали узил-кесил ҳал қилинган эмас.

ЧЕРНОБИЛЬ — УМУМИЙ КУЛФАТ ВА ТАШВИШ

СССР Министрлар Совети Президиумининг 21 апрелдаги кенгайтирилган мажлисида Чернобиль атом электр станциясидаги авария оқибатларини тугатишга доир ишлар комплексини бундан буён амалга ошириш билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди.

Мажлисда таъкидлаб ўтилганидек, авариядан жабр кўрган районларда яшовчи одамларнинг хавфсизлиги ва саломатлиги асосий муаммо бўлиб келди ва шундай бўлиб қолмоқда. Яқин йилларда ва келгусида авария оқибатларини тугатиш тадбирларининг асосий мазмунини айни шу нарса белгилаб беради.

СССР Министрлар Советининг Президиуми фикрлашув натижасида Белоруссия ССР, Украина ССР ва Россия Федерацияси территорияларида Чернобиль фалокати оқибатларини тугатишга доир республика программаларини маъқуллади. СССР Министрлар Советининг фавқулодда вазият давлат комиссиясининг икки программани: 1990-1992 йилларда авария оқибатларини тугатишга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар давлат программасини ва узоқ муддатга мўлжалланган программани қабул қилиш тўғрисидаги таклифи ҳам қўллаб-қувватланди.

Кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар давлат программаси аҳолини кўчириш, радиация таъсирида қолган одамларга тиббий ёрдамни яхшилаш, аҳолини соф озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, жабрланган одамларнинг ва аввало болалар ва кексаларнинг ижтимоий ҳимояланиш даражасини ошириш ишларини давом эттириши кўзда тутади.

Аҳолига тиббий ёрдамни яхшилаш мақсадида даволаш ва илмий-тадқиқот муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларнинг тармоғини кенгайтириш, сиҳат-саломатликни назорат этиш ва аҳоли саломатлигини тиклашнинг махсус системасини барпо этиш, ана шу районларда ишлаш учун юқори малакали мутахассисларни қўшимча равишда жалб қилиш белгиланди.

Бу программани амалга ошириш учун 16 миллиард сўм ажратиш кўзда тутилмоқда.

Узоқ муддатли программага келганда эса, СССР Министрлар Советининг Президиуми СССР Министрлар Совети фавқулодда вазият давлат комиссиясига, СССР Давлат план комитетига, иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларига, СССР Фанлар академиясига манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда Ватанимиз ва жаҳон фани ютуқларига таяниб ана шу программани ишлаб чиқишни топширди. Программани тузиб чиқишга таниқли совет ва чет эл олимлари ҳамда мутахассисларини жалб этиш кўзда тутилмоқда.

СССР Министрлар Совети фавқулодда вазият давлат комиссиясининг таркибида қабул қилинадиган программаларни бажаришни уюштирадиган махсус бўлинма тузиш тўғрисида қарор қабул қилинди. РСФСРда, Украина ва Белоруссияда ҳам ана шундай бўлинмалар тузиш кўзда тутилди. РСФСР Министрлар Советининг Брянскда радиация табобати республика илмий марказини барпо этиш тўғрисидаги таклифи қўллаб-қувватланди.

Чернобиль атом электр станциясидаги авария оқибатларини тугатишга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар программасини ҳукумат СССР Олий Совети кўриб чиқиши учун тақдим этади.

Президиум мажлисини СССР Министрлар Советининг Раиси Н. И. Рижков бошқариб борди ва нутқ сўзлади.

(ТАСС).

ЎЗ АРИЗАСИГА МУВОФИҚ

Халқ депутатлари Москва район Совети ижроия комитетининг раиси Ҳасан Ботирович Холмирзаев устидан КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги партия назорати комиссиясига шикоят тушди. Москвадан махсус комиссия келди. Текширишда қуйидагилар аниқланди: Ҳасан Ботирович икки йил Андижондан Шаҳрихонга қатнаб ишлаган, шаҳардан районга кўчиб бормаган. Бунинг учун хизмат машинасидан фойдаланган. Уй-жой қонунчилигининг бузилишига йўл қўйган. Ўзига берилган квартирани ремонт-ишлаб чиқариш корхонасининг ишчиси Аҳмаджон Ҳайитов билан алмаштирган. Гарчи квартирани алмаштиришда томонлар ўзаро келишган бўлсада, уни юридик жиҳатдан расмийлаштириш масаласи эътибордан четда қолган.

Ҳасан Ботирович квартира олгунга қадар Шаҳрихон пахта тозалаш заводининг санаторий-профилакторий с и д а ётиб юрган. Мансабини суиистеъмол қилган. Ижроком умумий бўлимининг мудири О. Ортиқовни ижроком аъзоларининг илтимосига мувофиқ жиноий жавобгарликдан сақлаб қолган, аҳолига енгил автомашина сотиш тартиб-қоидасини бузган ва ҳоказо...

Район ижроия комитети бошланғич партия ташкилотининг очиқ партия йиғилишида текшириш якунлари кенг муҳокама қилинди.

«Мен коммунист раҳбар сифатида хато ва камчиликларимни тан оламан. Лекин менга қўйилган айбларга изоҳларим бор, уларни инобатга олишмади. Икки йил давомида районга кўчиб келишнинг иложи бўлмади. Сабаб: менга 1989 йилнинг февраль ойидагина квартира ажратилди. Лекин у ҳам ремонтга муҳтож эди. КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Ижтимоий фанлар академиясида сиртдан ўқиётганим учун уч ой Москвада бўлдим. Бунинг устига фарзандларим ўқув йилини якунлаши лозим эди. Хизмат машинасидан фойдаланишга келсак, ҳар куни шаҳарга қатнаганим йўқ. Иложи борича санаторийда тунаб қолардим. Бу ерда аксарият хоналар бўм-бўш ётибди. Санаторийда ётган кунларим учун бироз кечикиброқ ҳақ тўладим.

Квартирамни алмаштиришда бепарволик юз берди. Ўша кунлари Москвага ўқишга чақириб қолганлари учун ҳужжатларни юридик жиҳатдан расмийлаштириш чўзилиб кетди.

Ижрокомнинг собиқ бўлим мудири О. Ортиқов менинг имзоимни сохталаштириб, бир шахсга енгил машина берганлиги ва бунинг эвазига ундан пул таъма қилишга ҳаракатини шахсан ўзим фош этганман. Бироқ ижроком аъзоларининг қатъий талабларини инобатга олиб, уни аризасига мувофиқ бўшатгандим.

Вилоят ижроия комитети раиси вазифасини бажарувчи В. Г. Бабенконинг топшириғига мувофиқ А. Холдоровга навбатсиз енгил машина берганман. Бу ҳақда вилоят ижрокомининг фармойиши ҳам бор. Қандай қилиб юқори ташкилотнинг қонуний топшириғини бажармаслигим мумкин? Ишда йўл қўйган нуқсонларим учун коллектив олдида, партия ташкилоти олдида қаттиқ изтиробдаман. Коммунист сифатида ҳар қандай жазога тайёрман...»

Ҳ. Холмирзаевнинг очиқ партия йиғилишидаги сўзидан.

Энди Аҳмаджон Ҳайитовнинг тушунтириш хатига эътибор беринг:

«Кўп йил бир жойда ишлаганимни ҳисобга олиб ташкилотимиз менга бир қаватли, уч хонали уй қуриб берганди. Шу уй яқинидаги икки қаватли турар жойга Ҳ. Холмирзаев кўчиб келадиган бўлди. У менга иккинчи қаватдан олган квартирасини алмаштиришни таклиф қилди. Мен қачон у ишдан кетганда бўшатиб бериш шарти билан рози бўлдим. Сабаб, уйда мен эмас ўғлим битта фарзанди ва хотини билан турмоқчи эди. Ҳар иккала уйнинг фойдали майдони бир хил бўлиб, ўғлимнинг оиласи 3 жон, Холмирзаевнинг оиласи 6 кишидан иборат эди...»

Очиқ партия йиғилиши Ҳ. Холмирзаевга қаттиқ хайфсан эълон қилди. Район партия комитетининг бюроси бошланғич партия ташкилоти берган жазони бекор қилиб, коммунист Ҳ. Холмирзаевга ҳисоб карточкасига ёзиш шарти билан қаттиқ хайфсан берди. Унинг эгаллаб турган лавозимида қолиш-қолмаслиги масаласини район Советининг сессиясига ҳавола қилди.

Масалани кўриб чиқиш учун ўтган йили 17 август куни район Советининг навбатдан ташқари X сессияси чақирилди. Депутатларни район ижроия комитети ва район партия комитети алоҳида-алоҳида рўйхатга олишди. Шу ҳолнинг ўзи райондаги икки раҳбар орган ўртасида ўзаро ишонч ва ҳамкорлик яхши эмаслигидан далолат берарди.

Сессия олдидан партия группасининг йиғилиши ўтказилди. Унда район партия комитетининг котиблари ва область партия комитетининг собиқ иккинчи котиби В. А. Смеюшчев бошчилигидаги область раҳбарлари иштирок этишди. В. А. Смеюшчев сессиядан кўзланган мақсад Ҳ. Б. Холмирзаевни райижроком раислиги вазифасидан озод қилиш эмас, балки депутатларга текшириш якунини етказиб қўйиш, бундай камчиликларни қайта такрорламаслик йўлларини белгилаб олиш эканлигини айтди.

Сессия бошланди. Масала муҳокама қилинди. Депутатлардан ўн саккиз киши ижроком раисини ёқлаб гапирди. Ҳ. Холмирзаев депутатларга миннатдорчилик билдириб ўз хоҳишига биноан ишдан озод қилишни сессиядан сўради. Лекин сессия уни ишда қолдиришга қарор қилди. Айнан шу қарор бутун ғавғога сабаб бўлди. Область партия, совет ташкилотларининг раҳбарлари ташвишда қолишди. Ахир, текширишда раиснинг хатолари тасдиқланган, у бўлса ишда қолди. Асабийлашиш кучайди. Эҳтимол, сессия Советлар ҳаётининг қатлам-қатламига сингиб кетган итоатгўйлик принципига қатъий амал қилиб, Ҳ. Б. Холмирзаевни шартта ишдан олиб ташлаганида бундай савдолар бўлмасмиди?

Ҳар ҳолда сессиядан кейинок КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги партия назорати комиссиясидан район Советининг сессиясини ўтказишда қонун талабларига риоя қилинмаганлиги ҳақида телеграмма олинди. Бу хато ҳам тасдиқланди. Сессияни ўтказишда «Ўзбекистон ССР халқ депутатлари район Совети тўғрисида»ги Қонуннинг 33-моддаси бузилган, яъни 118 депутатдан 73 киши ёки 61,8 фоизигина иштирок этганди. Наҳотки район партия комитети, район ижроия комитетидаги ва областдан келган ўртоқлар буни сезмаган бўлсалар?!

Шундан кейин Ҳ. Холмирзаев масаласи дарҳол вилоят партия комитетининг махсус бюро мажлисида кўрилди. Муҳокама давомида уни чақиришиб «Ўз хоҳиши билан» ариза ёзиб беришини талаб қилишди. У бу таклифга кўнмади. Бу масала район Советининг депутатлари муҳокамасига қўйилишини айтди. Шунда унга: «ариза ёзмасанг партиядан ўчирамиз», деб тазйиқ ўтказишди. Ҳ. Холмирзаев ишдан бўшатишларини сўраб ариза ёзиб берди. Унинг аризаси район Советининг навбатдан ташқари XI сессиясида жиддий тортишувга сабаб бўлди. Сессияда 118 депутатдан 85 киши ёки 72 фоизи қатнашди. Бу галги сессия ваколатли эди. Сессияда сўзга чиққан депутатларнинг аксарияти Ҳ. Холмирзаев ишда йўл қўйган хатолари учун партиявий жазо олганлигини айтишиб, уни раисликда қолдиришни талаб қилишди. 85 депутатдан фақат 12 киши унинг аризасини қондиришни сўраб овоз берди. Сессия Ҳасан Ботировични яна ўз ишида қолдиришга қарор қилди.

Лекин бу қарор областдан келган раҳбарларга ёқмади. Ҳ. Холмирзаев яна бир бор сўз сўради: «Бугун менинг масалам олтинчи марта муҳокама қилиняпти: бошланғич партия ташкилоти — бир марта, райком бюроси — бир марта, обком бюроси — икки марта, район Советининг сессияси — икки марта кўрди. Тўрт ойдан бери тинчлик йўқ. Қайта-қайта айбимга иқрор бўляпман. Сизлардан олтинчи марта узр сўрайман. Мен Шаҳрихон халқидан миннатдорман. Минг марта раҳмат сизларга. Мени тўғри тушунинглар, ишдан бўшатинглар!».

Сессияда сўзга чиққан депутатларнинг аксарияти Ҳасан Ботирович ҳақида илиқ гаплар айтишди. У Москва район ижроия комитетида раис бўлиб бор-йўғи икки йил ишлади. Бунга қадар у вилоят партия комитетида бўлим мудири бўлиб ишлаган. Партия ташкилотининг тавсияси билан у Совет ишига ўтган эди. Ўз фаолиятини хўжаликка раҳбарлик қилишда Советларнинг мустақиллиги, тўла ҳокимлигини таъминлаш учун курашдан бошлади. Унгача бўлган ижроком раислари ўз ваколати доирасидаги ҳамма ишларни район партия комитетининг розилиги билан амалга оширишарди.

Ҳасан Ботирович эса бундай қилмади. Хўжаликларга минерал ўғит, техника ажратиш, аҳолига уй-жой, ер участкалари, енгил автомашина, қурилиш материалларини райкомдан ижозат сўрамасдан тақсимлади. Пахта — беда алмашлаб экишни жорий этишга ҳаракат қилди. Ўз юмушларини ўзгаларнинг кўрсатмасисиз бажарди. Район партия-ташкилоти четдан келтирилган тақчил моллар тақсимотига ҳам якка ҳокимлик қилишга интилди. Ижроком раиси бунга кўнмади. Бу ишни маҳалла комитетларига топшириши маъқул кўрди. Бу — райком ва ижроком ўртасидаги ўзаро зиддиятнинг кучайишига олиб келди. Депутатлар Ҳ. Холмирзаевнинг ишчанлик, ташкилотчилик қобилияти, билими ҳақида ҳам ижобий фикр билдирдилар. Унинг халққа муносабати, одамлар билан ишлаш услуби ибратли эканлиги, уларнинг арзодида диққат билан қулоқ солишини алоҳида таъкидладилар:

«Сизлар Ҳасан Ботировичнинг аризасини инобатга олмадиларингиз. У яна бир бор сўзга чиқиб ишдан бўшатишни илтимос қилди. Илтимосига қўшилишларингиз керак. Мен Ҳасан Ботировични ёмон демоқчи эмасман. У Шаҳрихонда шунча обрў-эътиборга эга бўлибди. Лекин унинг иши қайта қуриш талабига жавоб бермайди. Уйини оддий ишчи билан алмаштирган. Пулини эса 5 ой тўламаган. Агар Холмирзаевга ёрдам бермоқчи бўлсак, бугун уни ўз аризасига мувофиқ ишдан бўшатайлик. Бу одамнинг келажаги ҳали олдинда. Докторлик диссертациясининг 70 фоизини ёзиб қўйибди. Бориб шу ишини тамомлаб келсин...»

Вилоят партия комитети собиқ биринчи котибининг район Совети сессиясида сўзлаган нутқидан.

Залдан (депутат М. Абдуллаева): «Бундай гаплар Ҳ. Холмирзаевнинг жонига тегди. Уни ариза ёзишга мажбур қилишди. Район партия комитети ва унинг бюроси фаолиятида ҳам жиддий камчиликлар бор. Кўп жиҳатдан улар айбдор!»

«Назаримда сессия раиси ҳам, обком котиби ҳам депутатларга тазйиқ ўтказяпти. Ҳ. Холмирзаевни бўшатмаслик тўғрисида қўл кўтарганимиздан кейин ҳам яна уни бўшатишга уриняпмиз. Мен бундай адолатсизликка индамай туролмайман. Ўртоқ Холмирзаев шу ерда ишлаши керак. У аризани тўрт ойдан бери қийнаганимиз учун ёзган...»

СССР халқ депутати П. Охуновнинг район Совети сессиясидаги сўзидан:

Жиддий тортишувлардан кейин район Советининг сессияси Ҳ. Холмирзаевни ноилож ижроком раиси вазифасидан озод этди...

Ҳасан Ботирович масаласи нега бунчалик жиддийлашиб кетди. Бунинг сабаблари кўп. Район партия комитети билан район ижроия комитети келишолмай қолди. Маҳкамалараро муносабатларнинг кескинлашувига яна бир сабаб бор. Райкомнинг кадрларни резервга олишга бағишланган пленуми олдидан анкета тарқатилди. Унинг натижаларига кўра Ҳ. Холмирзаев юқори баҳо олди. Пленумда райкомнинг биринчи котиблигига Ҳ. Холмирзаев номзоди резерв сифатида рўйхатга олингани айтилди. Бу ҳол биринчи котибликка даъвогарларнинг дамини кесиб қўйди. Орадан кўп ўтмай ҳар томонга хатлар уча бошлади. Ниҳоят Ҳ. Холмирзаев «қулатилди».

Советларнинг мустақиллиги учун курашган ижроком раиси уч томонлама жазоланди. Партиявий жазо олди, вазифасидан озод этилди. КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Ижтимоий фанлар академиясининг учинчи курсидан четлатиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Адолат юзасидан айтганда учинчи жазо ортиқча бўлди. Бу, вилоят партия комитети собиқ биринчи котибининг район сессиясида депутатларга қилган ваъдасига мутлақо қарама-қарши эди. Обком бюросида «ишдаги камчиликларнинг ўқишга дахли йўқ», деган гаплар ҳам бўлиб ўтганди. Бироқ бу гаплар эътиборсиз қолиб кетганди.

Вилоят «Коммунист» газетаси, СССР халқ депутатлари бу масалани ўз вақтида кўтарган эдилар. Лекин унга ҳеч ким эътибор бермади. Вилоят партия комитети Ҳ. Холмирзаев ҳақидаги ўз қарорини қайта кўриб чиқиб, унинг ўқиши масаласини ижобий ҳал этади, деган умиддамиз.

А. ҚУРОНБОЕВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

УЙҒУН
(Раҳматулла Отақўзиев)

Ўзбек совет маданияти оғир жудоликка учради. Таниқли ўзбек ёзувчиси, Ўзбекистон ССР халқ шоири, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Уйғун (Раҳматулла Отақўзиев) узоқ давом этган касалликдан сўнг 85 ёшида вафот этди.

Уйғун 1905 йилда Қозоғистон ССРнинг Чимкент ўблластидаги Марки шаҳрида туғилди. Тошкент педтехникумини тугаллади, сўнгра Самарқанд педагогика институтида ўқиди.

Уйғун 20-йилларнинг ўрталарида шоир сифатида адабиётга кириб келди. Ўшандан буён 65 йил давомида ўзбек ва рус тилларида «Баҳор нафаси» «Иккинчи китоб», «Ҳаёт чақиради», «Зафар нашидаси», «Ўлкада баҳор», «Янги ой», «Ўзбекистон» каби ва бошқа 30 дан ортиқ шеърий тўпламлари чиқарилди. «Жонтемир» поэмаси ҳамда шоирнинг «Куз», «Тонг» лирик шеърлари адабиётимиз тарихида алоҳида ўрин тутади.

Уйғун ўзининг кўп қиррали ижодий фаолиятида ўндан ортиқ драма асарлари яратди. «Ҳаёт қўшиғи», «Навбаҳор», «Олтинкўл», «Алишер Навоий», «Парвона», «Ҳуррият», «Парвоз», «Абу Райҳон Беруний», «Абу Али ибн Сино», «Зебуннисо» ҳамда ўзбек драматургиясининг олтин фондига кирган бошқа асарлар ана шулар жумласидандир. У «Алишер Навоий», «Ленин йўлланмаси билан» фильмлари сценарийсининг, биринчи ўзбек балети «Гуландом» либреттосининг, бир қанча публицистик ва адабий-танқидий мақолаларнинг муаллифидир.

Уйғун Шекспир, Пушкин, Толстой, Чехов, Шевченко ва бошқа классикларнинг асарларини таржима қилди.

Шоирнинг олдин уч жилдлигига, сўнгра олти жилдлигига киритилган назм ва драма асарлари ўзбек китобхонларининг қимматбаҳо мулкига айланди.

Партия ва ҳукумат таниқли шоир ва драматургнинг адабиёт соҳасидаги хизматларини юксак баҳолади. Уйғун Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони, иккита Ленин ордени, Меҳнат Қизил Байроқ ордени, Халқлар дўстлиги, Октябрь Революцияси, «Ҳурмат Белгиси» орденлари, бир қанча медаллар билан тақдирланган. Унга «Ўзбекистон ССР халқ шоири», «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби» фахрий унвонлари берилган.

Таниқли ўзбек ёзувчиси Раҳматулла Отақўзиев — Уйғуннинг номи ва асарлари қалбимизда ҳамиша сақланиб қолади.

И. А. Каримов, Д. Д. Берков, П. В. Догонкин, М. И. Иброҳимов, А. С. Ефимов, А. И. Икромов, С. Мамарасулов, Ш. Р. Мирсаидов, Р. А. Попов, Ж. Ҳ. Ҳамидов, Ҳ. Алимова, И. Ҳ. Жўрабеков, Б. Ф. Сатин, А. И. Фозилбеков, Ш. С. Зиёмов, С. Азимов, С. Аҳмад, Р. Бобожон, Э. Воҳидов, Ҳ. Ғулом, Зулфия, С. Эшонтўраева, Т. Қаипбергенов, П. Қодиров, М. Қаюмов, Мирмуҳсин, А. Орипов, Н. Раҳимов, И. Раҳим, И. Султонов, Шукурулло, А. Удалов, К. Яшин, О. Ёқубов.

САТРЛАРДА МАНГУ ЯШАЙДИ

Адабиётимиз оқсоқоли, газетамизнинг фаол муаллифларидан бири, қадрдони Уйғун яқиндагина редакциямизга қўнғироқ қилиб, яхши ижодий кайфиятда эканлигини хабар қилган ва ушбу шеърларини ўз қўли билан тақдим этган эди.

Қуйида устод шоирнинг мазкур шеърларини эътиборингизга ҳавола қиламиз.

Мурувватли бўл

Бунча ғазабноксан! Бунча тажангсан!
Нимага сўзларинг бу қадар даҳл!
Ғазаб яхшиликка олиб келмайди,
Жаҳлдан туш бир оз, юмшагил сал.
Боболар қадимдан айтиб кетишган:
Ақл қочар эмиш жаҳл бор жойда.
Ўйла, жаҳл билан қилинган ишдан.
На ўзинга фойда, на элга фойда.
Жаҳл хуруж қилган дамларда дарҳол
Юракдан қувилар шафқат, мурувват,
Кўр, жаҳолат, жаҳл сабаб йўқолур
Дўстлик удумидан ҳарорат, қувват.
Жаҳлга бўйсунма, ўзни қўлга ол,
Ақл билан иш қил узоқни кўзлаб.
Ҳа, жаҳл устида ёрдан айрилиб,
Қолма оқибатда оҳ уриб, бўзлаб.
Қаҳри қаттиқ бўлма, бағри тош бўлма,
Эл озор чекади дилозорлардан.
Ножўя иш қилиб жаҳл устида
Ажралиб қолмагил дўсту ёрлардан.
Дунёда қадимдан мурувват, шафқат,
Тотувлик, қардошлик туйғуси аён.
Дўстлик, мулойимлик, одобу ахлоқ
Эзгу китобларда этилган баён...
Одамлар ҳамма вақт баҳо берурлар
Ҳулқу атворингга, феълингга боқиб.
Ҳа, баҳра олганлар мурувватингдан
Минг раҳмат дейишар кифтингга қоқиб...

Барча ўзича яхши

Дунёда барча халқ ўзича яхши,
Ўз ўрнига эга ҳар қайси миллат.
Миллатингни севу, миллатчи бўлма,
Бизда миллатчилик энг ёмон иллат.
Агар ўз халқингни қанчалик севсанг,
Бошқа халқларни ҳам шунча ҳурмат қил.
Байналмилалчилик, дўстлик, иноқлик
Энг одамий, эзгу фазилатдир, бил!

Миш-миш...

Билгилки, эл аро тарқалган миш-миш
Лақмалар бошига шартта тушган мушт.
Миш-мишнинг ўзи йўқ, машмашаси кўп,
Баъзи одамларни гангитиб қўяр.
Миш-миш «узун қулоқ» майда гапларга
Лаққа тушганларни пичоқсиз сўяр.
Ҳеч вақт тарқалмайди миш-мишнинг ўзи,
Кимдир тарқатади уни атайлаб.
Ҳар бурчакда турар, ҳар ерда юрар,
Миш-миш лақмаларнинг йўлини пойлаб.
Миш-мишга ишониб дўстига душман
Бўлиб қолганларнинг борлиги ҳам рост.
Миш-мишга ишониб, баъзи бағри тош
Айбсиз одамлардан олади қасос.
Озми миш-мишларга ишониб, кўрқиб,
Ҳовлисини ташлаб кетганлар кўчиб!
Миш-мишга ишониб юрганлар озми,
Ҳар нарсадан қўрқиб, ҳар кимдан чўчиб!
Миш-миш тарқалдими, одамлар дарҳол
Ташвишга тушади, бўлар беқарор,
Миш-мишга ишониб, ақлдан озиб,
Уйларга ўт қўйган ёвузлар ҳам бор.
Миш-мишга ишониб баъзи лақмалар
Қўйди-чиқди бўлар — уйи бузилар.
Борди-келди тугаб, миш-миш туфайли
Иноқлик риштаси тамом узилар.
Ахир, суриштириб кўрдиларингми,
Уша, миш-мишларнинг ростлиги қани!
Миш-мишга ишонманг, қабоҳат — миш-миш —
Ҳаловатимизнинг ёвуз душмани!
Ҳа, худди илондек фирибгар миш-миш
Одамлар қалбига заҳар солади.
Аминмиз, барибир пировардида
Миш-мишга ишонган доғда қолади...
Дейдилар, эл аро тарқалган миш-миш
Лақмалар бошига туширилган мушт.

Баҳор манзаралари...

I

Фасллар келади навбатма-навбат:
Қиш кетди қолдириб кумуш бўркини.
Баҳор кириб келар гулга бурканиб,
Элга кўз-кўз қилиб тенгсиз кўркини.

II

Чақмоқ чақилади, гуркирайди кўк,
Булутлар лопиллаб қайғадир елар.
Бахш этиб оламга барака ва қут
Ёмғир инжулари сочилиб келар.

III

Наврўз туни ўчоқ бошида
Қозон ковлаб момолар ҳалак,
Ёру кўкин муаттар этиб
Дошқозонда қайнар сумалак...

VI

Баҳор келиб гунафша, ялпиз
Яйраб чиқди ариқ бўйнга.
Нималар ҳам келмайди, дерсиз,
Баҳор фасли шоир ўйнга...

ИБРАТ



Жумҳуриятимизда сулув фасл — баҳор давом этмоқда. Кетма-кет бўлаётган ёғингарчиликлар деҳқонларимизни ташвишлантираётган бўлса, аксинча, чорвадорларимизга маъқул келмоқда. Чунки, ёмғир яхшилик белгиси. Ўт-ўлан сероб бўлиб, чорва озуқаси кўпаяди, пировардида чорвачилик маҳсулотлари сероб бўлади.

Хатирчи районидаги Ленин номли колхоз сут соғувчиси Фарида Бобоназарова ҳам ёғингарчиликлардан ҳурсанд. Чунки унинг боқимидаги сигирларнинг оғзи кўкка етгач, маҳсулдорлиги ошиб бормоқда. Фарида ўтган йили боқимидаги 18 сигирнинг ҳар биридан 3 минг килограммдан сут соғиб олганди. У қишда ҳам сигирлар маҳсулдорлигини пасайтирмади. Айни кунларда у боқимидаги говмушларнинг ҳар биридан кунига 8—10 килограммдан сифатли маҳсулот олмоқда.

Суратда: илғор сут соғувчи Фарида Бобоназарова.

А. ЭЛМУРОДОВ олган сурат.

• *Газетхонлар илтимосига кўра*

ЛУҚМОН ҲАКИМ ИЗИДАН

Ёшлигимдан мафтун этган, тиббий техникумга ва олий мактабга бошлаб борган, мен билан юрган ва турган ҳамда даволаган Луқмон ҳаким ким ўзи? Ахир у гиёҳлар тилини биларди-ку, иссиқ-совуқни ажратган-ку, назлани заҳар деган-ку... Узоқ умр кўриш учун бир бор сурги, ойда жимоҳ, ҳафтада ҳаммом деган ҳаким ҳам шу киши бўлади-ку.

Халқ Луқмон ҳакимни қаердан билади? Модомики шундай экан, тиббиёт тарихини ўрганишга қарор қилдим. Машҳур совет олими Ф. Р. Бородулиннинг «Медицина тарихи»ни («Медгиз», 1961) варақлай бошладим. Муаллиф ўз навбатида Маковельскийнинг «Суқротгача яшаган олимлар» деган китобига суянган экан. Энди маълум бўлишича, ибтидоий одам касал бўлган ёки шикастланган, бинобарин, даволанишга эҳтиёж сезган. Айниқса, аёллар беморларга фақат илиқ сўз билан ҳамдард бўлишган. Чунки у вақтларда дори-дармон бўлмаган. Демак, сўз таъсири қадимий табибларга маълум бўлган. Бу ҳақда бир ривоят келтирамиз. Бир қиз бола кўчада кета туриб, бот-бот қон туфлайди. Буни кўрган Луқмон ҳаким қизнинг отасини хабардор қилади: «Қизингиз бедаво дардга учрабди», — дейди. Буни эшитган қиз оғирлашиб, тез кунда оламдан ўтади. Кейин суриштириб кўришса, қизнинг туфлагани шотут шарбати экан. Шунда Луқмон ҳаким марҳума қизнинг отасидан узр сўраб, «бир сўз билан соппа-соғ одамни ўлдириб қўйиш ёки яна бошқа бир сўз билан беморни соғайтириб юбориш мумкин экан», депти.

Демак, Луқмон ҳаким ибтидоий одамлар тажрибасидан сўз таъсирини ўрганган, текшириб кўрган. Кейинроқ ибтидоий одам дори сифатида ўсимликларни қўллаган.

Шундай тажрибаларга эга бўлган ҳакимни топдик. Ҳаким юнонлик бўлиб, номи Алкмеон экан. У милоддан аввал, яъни эрамизгача VI аср охири ва V аср бошларида, яъни бундан икки ярим минг йил илгари Жанубий Италиянинг Кротон шаҳрида яшаган экан.

У табиат ҳақида, яъни одам табиати — мижози ҳақида китоб битган. Варақлари тўлиқ бўлмаган бу асар Абу Али ибн Синога етиб келмаган.

Алкмеон «қарама-қаршиликларнинг давоси қарама-қаршиликдир», яъни «понани пона билан чиқар», демоқчи, иссиқлик ошса, совуқлик қил, деган мазмун чиқармоқчи бўлади.

Луқмон ҳаким ҳақидаги оғзаки ривоятлар бир томондан, тарихий шахс Алкмеон, иккинчи томондан, бир хил тиббий тажрибаларнинг соҳиби бўлиб чиқади. Демак, юнонлик Алкмеон ўзбек шеваси Луқмон ҳаким талаффузи билан юритилган. Медицина фанлари доктори И. К. Эфандиев: «Араблар Алкмеонни — Ал-луқмон деб талаффуз этишган», дейди.

Дарҳақиқат, Платон деса Афлотунни, Сократ деса Суқротни, Гиппократ деса Буқротни, Гален деса Жолинусни, Авиценна деса Абу Али ибн Синони, Разес деса Ар-Розийни тушунамиз. Ҳазрат Навоий юнон илмининг билимдонидир. Шоир «Ҳамса»да Суқрот, Афлотун, Арасту ва бошқалар билан бирга Луқмонни ҳам келтиради. Шундай қилиб, биз юқорида келтирилган далилларга асосланиб, Алкмеон — Луқмон ҳакимдир дейишимиз мумкин.

Ривоятларда яна бир Луқмон ҳаким тилга олинади. Савол-жавоблардан бунинг ҳам тиббиёт асосчиларидан деса бўлади. Луқмон ҳакимдан «Сен ўзинг кўрган иллатлар ва айбларидан қайси бирига даво тополдинг? — деб сўрабдилар. Шунда у: «Мен барча иллатларга ҳикмат юзасидан даво топдим. Аммо даволай олмаганим бадфеъллик иллати бўлди», — деб жавоб берган экан.

Яна бир гап. Луқмон ҳаким мингта ҳикмат йиғган экан. Шулардан учтасини танлаб олибди. Биринчиси, ўлимни доим ёдда тутиб, у келмасдан аввал яхши ишларни амалга ошириб қолиш; иккинчиси, бировга яхшилик қилинса, уни бутунлай ёддан чиқариш; учинчиси, биров ёмонлик қилса, уни дилда сақлаб, гина қилиб юрмаслик. Мана шу учта фазилат гўзал феъл-атворнинг, қолаверса, саломатликнинг онабошиси экан.

«Қонуни ҳикмат» номли китобдан Луқмон ҳакимнинг ўғлига айтган ажойиб насиҳатлари жой олган. «Сўзни ҳужжат билан гапир. Маслаҳатни доно одамлар билан қил. Ёшликни ғанимат бил, керакли ишларни қилиб қол. Дўстларингни ҳурмат қил, уларнинг хизматини жон деб қабул эт». Ёки: «Ўз фойдангни ўйлаб, обрўйингни тўкма. Ўзига бино қўювчи ва такаббурлардан бўлма, Хусуматдан узоқ бўл. Жанг-у жанжалдан қоч. Сенга иш буюрсалар, ваъда қилсанг, албатта бажар. Ҳеч кимни ранжитма».

Хуллас, Луқмон ҳаким ҳақида билганларимиз ана шулар.

З. ЭҒАМБЕРДИЕВ,
медицина фанлари номзоди.

«БИР ТАХТГА УЧОВЛОН»

БУГУН Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон ССР Давлат академик Катта театри биносида Корея Халқ Демократик Республикаси драма театрининг жамоаси ўзининг маҳорат намойишини бошлайди.

Шу муносабат билан театр директори, КХДР халқ артисти Ким Бен-Ок бундай деди:

— Биз Ўзбекистонга биринчи марта марҳамат қилишимиз. Бу ерга Москва, Олмаота йўли билан келдик. Ҳамма жойда яхши кутиб олишди. Совет корейсларининг Тошкентдаги маданият марказида бўлган учрашув икки мамлакат дўстлигига айланди. Коммунистик районидаги «Политотдел» колхозида бўлдик. У ерда мактаб ўқувчилари концертидан мамнунлик ҳосил қилдик.

Тошкентда икки кун давомида «Бир тахтга учовлон» драма асарини кўрсатамиз. Бу саҳна асари Кореяда бўлган революцияга бағишланган. Театр бундан 45 йил илгари ташкил этилган бўлиб, унинг ижодий хазинаси ранг-баранг асарларга бой.

ЎЗБЕКИСТОН МЕҲМОНЛАРИ

Парламент сенати раиси Шон Дохерти бошчилигидаги Ирландия парламенти делегацияси Ўзбекистон билан танишиб бўлди.

Меҳмонлар Самарқандга сафар қилдилар, қорақўлчилик илмий тадқиқот институтида бўлдилар. Улар Р. Р. Шредер номидаги боғдорчилик ва узумчилик илмий тадқиқот институтига, Оржоникидзе районидаги «Лимонарий» колхоз-комбинатига бордилар.

23 апрель куни делегация аъзолари Тошкентдан Москвага жўнаб кетишди.

(ЎзТАГ).

• *Бугун Тошкентда Ўзбекистон кинематографчиларининг VII съезди очилади*

Малик ҚАЮМОВ: ЁШЛАРДАН УМИДИМИЗ КАТТА

— Олтиничи съезд ўтганига тўрт йил бўлди. Бу қисқа давр эмас, албатта. Малик ака, киноарбоб сифатида, жумҳурият Кинематографчилар уюшмасининг раҳбари сифатида, айтинг-чи, ана шу йиллар ичида аввалги съезд кун тартибига қўйган вазифалар қандай бажарилди?

— Тўғри, тўрт йил кичик муддат эмас. Қолаверса, шу даврда мамлакатимизда, жумладан, жумҳуриятимизда эзгу ўзгаришлар бошланди. Бу, шубҳасиз, кинематографчиларни ҳам фаол ҳамнафасликка даъват этарди. Бу янгиланиш, қайта қуриш жараёнида ўзининг ижодкор сифатидаги масъулиятини қалбдан янада чуқур ҳис этган экран санъати намояндалари ҳам халқимизни муносиб изланишлар билан хурсанд этишга интилдилар.

Қолаверса, айтганингиздек, аввалги съезд кинематографчиларимиз олдига аниқ вазифалар қўйган эди. Бу, биринчи навбатда, яратилаётган фильмларнинг сифатини юксалтириш, долзарб муаммоларни ўз вақтида акс эттиришга эришиш, энг муҳими, замонавий мавзуларда янгидан-янги бадиий, ҳужжатли ва телефильмлар яратиш, миллий маданиятимизда кинонинг ролини янада оширишга муваффақ бўлиш каби масъулиятли ишлар эди. Ҳеч иккиланмай айтишимиз мумкинки, бу борада миллий кинематографиямизнинг турли авлодига мансуб ижодкорлар ўзига хос фаоллик кўрсатишди. Оригинал изланишлар қилишга астойдил интилдилар. Маҳоратларини ўстириш, устоз санъаткорлар тажрибалари, анъаналарини ўзлаштириш ҳаракатида бўлдилар. Самара — ўнлаб бадиий, ҳужжатли ва телефильмлар киноэкранларда намойиш қилинмоқда. Халққа маълум, кинорепертуарлардан аллақачон ўрин олган бу картиналар ҳақида гапириб ўтиришнинг ҳожати йўқ, деб ўйлайман.

Аввалги съезд кун тартибига қўйган вазифалар тўла-тўкис бўлмаса-да, амалга ошяпти. Ҳозирги ўзгаришлар, изланишлар даврида биз учун худди шу факт қимматлидир.

Яна бир нарсани алоҳида таъкидлаб ўтишни хоҳлардим. Гап шундаки, съезддан съездгача бўлган давр орасида иқтидорли ёшларимиз ўзларини кўрсатишди. Уларнинг сафи кенгайди. Эксперименталь ёшлар бирлашмаси — Бешинчи студиянинг илк асарларини санъат мухлислари илиқ кутиб олдилар. Тўрт йил мобайнида 29 та бадиий, 26 та мультипликацион, 99 та телефильм, 188 та ҳужжатли ва илмий-оммабоп фильмлар яратилган экан, уларда навқирон авлоднинг ҳиссаси катта. Шу даврнинг ичида Бешинчи студия 15 та фильм экранлаштирди. Мен ана шу факт-рақамлар ҳақида ўйлаганимда, VI съезд даъват этганидек ёшларга кўпроқ эътибор бериш, уларнинг унумли ижод қилишлари учун шароит яратиш, кўмаклашиш вазифалари кутилганидек амалга ошаётганидан кекса бир санъаткор сифатида мамнун бўламан.

— Ёш кинематографчилардан кимларни тилга олишни истардингиз! Уларнинг асарлари ҳақида қисқача бўлса-да, фикрларингизни ўртоқлашсангиз.

— Биласизми, Ўзбекистон кинематографчилар уюшмаси ёш режиссёрлар, актёр ва актрисалар тайёрлаш, тарбиялаш масаласида анча йиллардан бери изланиб келади. Масалан, 1979 йилда Уюшмамиз ташаббуси билан Москвадаги Бутуниттифоқ кинематография институтида машҳур санъаткор Б. Чирков устахонаси ташкил этилган эди. Ана шу санъат мактабини муваффақиятли битириб келган ёшларимиз ҳозирги кунда ўзларининг ажойиб ишлари, ижрочилиги билан мамнун этмоқда. Худди ўша институтда атоқли маданият арбоби А. Баталов устахонасини ҳам ташкил этишга қарор қилинди. Айни кунларда ана шу устахонага юборадиган ёшларни саралаш устида иш кетяпти.

Истеъдодли режиссёрларимиз ёнида меҳнат қилаётган Р. Иброҳимов, Ҳ. Ҳасанов, С. Мирзаахмедов сингари операторларни, И. Гуленко, Қ. Нуриддинов сингари рассомларни, Б. Зокиров, Д. Эгамбердиева, З. Режаметов, З. Мўминов, Ф. Мўминова, Р. Кубаева, Б. Матчонов каби актёр-актрисаларнинг интилишларини, ижодий меҳнатларини ҳам қайд қилиб ўтишни истардим.

Шуниси қувончлики, ёшларимиз ўрта авлод вакиллари анъаналарига амал қилган ҳолда янгидан-янги ташаббуслар билан чиқмоқдалар, тажрибаларга дадиллик ва ишонч билан мурожаат қилишяпти. Демак, биз яқин келгусида улардан бир-биридан мазмунли, завқли, баркамол фильмлар кутишга ҳақлимиз.

— Барча кинематографчиларга алоқадор бўлган қандай долзарб муаммолар бор!

— Барибир фильмларнинг сифати масаласи яна кун тартибида қолади. Иккинчидан, кино ва томошабин муаммосини ҳал қилишда ҳам кутилганидек натижаларга эришолмаяпмиз. Баъзи киночиларимиз шов-шув, реклама кетидан қувиб, тақлид шундоқ кўриниб турган картиналар яратишаётган бўлишса, аксарият режиссёрларимиз яхши фильмлари ўз вақтида тарғибот қилинмаётганидан нолишади. Бу қизиқ ҳол, албатта. Шу ўринда мен киношуносларимизнинг ёрдами фаол кўзга ташланмаётганини айтиб ўтмоқчиман. Бизда кинопрокат ишлари ҳам кўнгилдагидек эмас. Улар кўпинча ўз функциялари талабига мувофиқ иш қилишмайди.

Ёзувчи ва композитор дўстларимиз билан бўлган ижодий алоқа ва ҳамкорлик ҳам ҳамон яхши эмас. Биз моҳир адиб ва шоирларимиздан сценарийлар, ҳассос композиторларимиздан фильмларга мос мусиқа, куйлар кутамиз деб, неча йиллардан бери бонг урамиз, натижа йўқ. Ўзбек кинематографчилари ўзларининг анъанавий анжумани кунларида ижодкор дўстларини яқин ижодий ҳамкорликка, ҳамнафасликка, энг муҳим санъат бўлган кинони ривожлантиришга биргаликда ҳисса қўшишга чақирадилар.

Ю. БЕРДИЕВ суҳбатлашди.

Суратда: Ўзбекистон кинематографчиларининг ўрта ва ёш авлодига мансуб ижодкорлардан бир гуруҳи.

С. МАҲКАМОВ суратга олган.

• *Луқма*

Абадийлаштириш ўрнига бузиш

Корхонамизда қайта қуриш борасида анча-мунча ишлар қилинди. Ишлаб чиқариш участкаларини янги техника, илғор технология билан таъмин этиш борасида қувончли тадбирлар кўрилмоқда.

Илғорлар сафи ҳам кенгайиб боряпти. Масалан, Аҳмадали Солиқулов бошлиқ слесарлар бригадаси механика ремонти цехида пешқадам. Ишни сифатли адо этиб, ҳар сменада планга қўшимча 10—20 фоиз ҳажмида маҳсулот топширишга муваффақ бўляпти.

Бригада аъзолари камчилик ва нуқсонларга ҳам бефарқ эмас. Комбинатнинг ташкил топиши-ю, қад ростлашида, замонавий корхона даражасига кўтарилишида ажойиб ташкилотчи, билимдон мутахассис Ҳилол Юнусов катта ишлар қилган. У корхонада 22 йил мобайнида директорлик вазифасини бажарди. Бошқа ишлар қатори боғ-роғлар барпо этишга ҳам бош бўлди.

Бироқ ажойиб инсон Ҳ. Юнусов ташаббуси билан бунёд қилинган боғлар ҳозир бутунлай қаровсиз аҳволга тушиб қолди. Биз, А. Солиқулов бригадаси аъзолари ишчи-хизматчилар кучи, директор ташаббуси билан барпо қилинган мевазор боғларнинг бу аҳволга тушиши, сувсизликдан қуриб бораётганидан, саккиз гектарли боғ айнан вайрона ҳолга тушиб қолганидан таажжубдамиз.

Бундан комбинат маъмурияти, партия ташкилоти, касаба уюшмаси ҳам хабардор. Лекин бирон чора кўрилмаяпти. Ҳ. Юнусов номини абадийлаштириш ўрнига ундан эсдалик бўлиб қолган боғни ҳам бузишгача бориб етилса! Бу ахир, инсоф-диёнатдан эмас, дейишмоқда комбинатдаги ишчи ҳамда мутахассислар.

Ўтганлар хотирасини ардоқлаш шуми? Бу абадийлаштириш, ўрнига бузиш-ку!

А. ИУЛДОШЕВ,
Оҳангарон «Стройпластмасса» комбинати слесари.

• *Қардошларча ҳамкорлик нафи*

ТАДБИРКОРЛИК ҚЎЛ КЕЛДИ

Маъмурий идораси Пахтакор районида жойлашган область «Агрокоммунстройремонт» трести асосан қишлоқдаги турар жойлар, ижтимоий-маиший ҳамда коммунал хизмат кўрсатиш биноларини таъмирлаш билан шуғулланади. Жумҳуриятда аҳолининг шахсий уй-жой қурилиши учун кенг имкониятлар яратилгач, трест маъмурияти бу йўналишда ҳам буюртмалар қабул қила бошлади.

Қурилиш материалларига талаб ўта кучли, ўз навбатида танқис бўлиб турган бир пайтда трест қўшимча вазифанинг уддасидан чиқа олармикан? Аҳолининг буюртмалари ўлда-жўлда қолиб кетмайдими?

— Ҳақиқатан ҳам хизмат кўламини кенгайтиришимиз осон бўлмайди,— дейди трест бошқарувчиси Қаршибой Гужиев биз билан суҳбатда. — Лекин республика партия-ҳукуматининг қарорларини бажариш, аҳолининг оғирини енгил қилиш ҳам бевосита бурчимиз. Бу мақсадни амалга ошириш учун эса фақат мавжуд имкониятларга суяниб иш тутишимиз лозимлигини ҳам биламиз. Ахир, бизга ҳеч ким қўшимча куч, маблағ, қурилиш анжомлари бермайди-да.

Бошқарувчи ҳақ. Ортиқча қурилиш анжомлари ажратиш у ёқда турсин, трест ҳар йили «Агроснаб», «Госснаб» каби ташкилотлардан ҳатто кўзда тутилган қурилиш материалларини ҳам ололмаяпти. Жумладан, ўтган йили фақат ёғоч материаллардан 6380 кубометр кам олинди. Шунга қарамасдан трестнинг қишлоқ жойларда таъмирлаш ишлари планини 102 фоиздан ошириб ўринлатгани диққатга сазовор. Қурилиш материаллари танқислиги, ўзга ташкилотларнинг шартнома мажбуриятларини муттасил бажармаётганига қарамай, трестда дастлабки ойларда ҳам яхши натижаларга эришилмоқда.

Қурувчилар йил охиригача 15 миллион сўмлик таъмирлаш ишларини бажариш ҳамда аҳолига 2,5 миллион сўмлик хизмат кўрсатиш мажбуриятларини сўзсиз ўринлатиш иштиёқида меҳнат қилишмоқда. Мазкур фактларга асосланиб, трест бунёдкорларининг аҳолига уй-жой қурилишида ёрдам беришига шубҳа қилмаса ҳам бўлади.

Хўш, бу кўтаринкилик, самарали меҳнат ниманинг эвазига? Ахир, ўтган йили область бўйича 58 минг кубметр ёғоч материаллари кам олингани оқибатида кўплаб қурилиш ташкилотлари планларни барбод қилдику?

— Икки йил олдин Иттифоқда Калинин областидаги ўрмонларни экологик заҳарлашдан сақлаш ва ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш муаммолари кўтарилганда биз қардош республика ўрмончиларига ёрдам беришга аҳд қилдик, — дейди бошқарувчи Қ. Гужиев. — Бизга юкланган вазифа ўрмонларни тозалаб, майдонлар ҳолатини яхшилаб бериш эди. Трестда махсус бригада тузиб, Калинин областининг Ғарбий Двина районига юбордик. Бригадамиз мавсум давомида 3,5 минг кубметр ёғоч материаллари тайёрлашга муваффақ бўлди. Ҳозиргача ўз кучимиз билан жами 6 минг кубметрга яқин ёғоч келтирдик...

Ҳақиқатан ҳам тадбиркорлик, ҳозиржавоблик қўл келмоқда. Россия ўрмонларини тозалаш эвазига келтирилган ёғоч материаллари ёрдамида 9 та мактаб, 5 та болалар боғчаси, 2 томошахона, 3 ҳаммом, 4 та медицина муассасаси бинолари таъмирланди. 20 га яқин уй-жой қурилди. Бошқача қилиб айтганда, Калинин областидан келтирилган ёғоч ҳисобига 50 минг сўмдан зиёд соф фойда олинди. Энг муҳими, қурилиш бўлинмаларининг бекор туриб қолишига йўл қўйилмади.

Яқинда трестнинг 30 кишилик бригадаси Россиядан қайтиб келди. Улар мавсум давомида 88 минг куб метр ёғоч тайёрлашга эришибдилар. Россия ўрмончиларига 100 гектардан зиёд майдон тозалаб, экишга шай қилиб берилибди. Тез орада қурилиш ташкилотларига зарур ёғоч кела бошлайди. Қардош республикалар ўртасидаги яқин алоқалар ҳар икки, томон учун фақат фойдали бўлмоқда... Бундай тажрибаларни оммалаштириш эса мақсадга мувофиқдир.

Б. САТТОРОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ТАБИИЙ ОФАТ ЮЗ БЕРГАН ЖОЙДА

21 апрелга ўтар кечаси Тошкент областининг Бўстонлиқ районидаги бир қанча хўжалик ва уй-жой даҳаларини кучли ёққан ёмғир натижасида сув босди. Жаладан сўнг тўпланиб қолган сув тупроқ ва тошларни оқизиб, уйлар, бирқанча иморатлар, боғлар, далаларга шитоб билан оқиб келабошлади. Сув-лой оқими сойлар, ирмоқлар ўзани бўйлаб оқиб тушиб қудратли кучга айланди. Бир неча жойда тўсиқларни ювиб кетди, электр ва алоқа линияларини ишдан чиқарди. Кичик станциялар, кўприклар бузилди. Шу зайлда оқим посёлкаларга етиб келди ва уйларнинг ичига оқиб кирабошлади. Бунинг натижасида жуда катта моддий зарар кўрилди. 500 га яқин уй-жой шикастланди. Баъзиларн вайрон бўлди, 5 та мактаб, 3 та болалар боғчаси, медицина пунктлари, молхоналар ва қўйхоналарга ҳам зарар етди. Дастлабки маълумотларга қарагандa, 260 бошга яқин қорамол, 2 минг бошдан кўпроқ қўй ва эчки нобуд бўлди. Салкам 900 гектар экин майдони сув остида қолди.

Ҳозир ана шу жойда ҳукумат комиссияси иш олиб бормоқда. Табиий офат оқибатларини тезда бартараф этиш учун ҳамма зарур чоралар кўрилмоқда. Ўзбекистон Телеграф агентлигининг мухбири Ф. Қурбонбоев табиий офат юз берган жойда бўлиб баъзи манзараларни суратга олиб қайтди.

Суратларда: Бўстонлиқ аҳолиси ўзларининг уй-жойлари билан мол-ҳолларини кўчиришмоқда ва сув остида қолган уйларнинг бири.

СПОРТ

ГИМНАСТИКА:

ҒОЛИБЛИК СУПАСИДА

Москвада спорт гимнастикаси бўйича ўтказилган мамлакат чемпионатида ёшлар астойдил маҳорат кўрсатиб, эътибор қозонишга ҳаракат қилдилар. Жумҳуриятимиз гимнастикачилари ҳам бўш келишмади. Чунончи, тошкентлик О. Чусовитина эркин машқларни бажаришда 9,9 балл олиб, ғолиблик супасига кўтарилди.

ФУТБОЛ:

БИРИНЧИ ТЎП

Мамлакатимизда хотин-қизлар футбол командалари ўртасида илк марта мамлакат чемпионати ўтказилмоқда. Дастлабки учрашув РАФ (Елгава) ва «Сапфир» (М) коллективлари ўртасида ўтказилди. Бу ўйинда елгаваликлар 1:0 ҳисобида ғалаба қозонишди. Чемпионатда дастлабки тўпни дарвозага Наталья Алексеева киритди.

Олий лига эркаклар командалари ўртасида ҳам навбатдаги тур учрашувлари ўтказилди: «Спартак» — «Металлист» — 6:0, «Арарат» — «Помир» — 1:0, «Ротор» — «Торпедо» — 2:2, «Динамо» К — «Шахтёр» — 2:0. Ҳозир пойтахт армиячилари 11 очко билан олдинда боришмоқда. Пойтахт динамочилари билан торпедочиларда 10 тадан очко тўпланган.

Муҳаррир
Р. РАҲМОНОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ОРДЕНЛИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ АСПИРАНТУРАГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

МАҚСАДЛИ АСПИРАНТУРАГА:

кундузги: ҳисоблаш математикаси, диалектик ва тарихий материализм, рус тили, педагогика назарияси ва тарихи, ўзбек тили ўқитиш методикаси, рус тилини ўқитиш методикаси, жисмоний тарбия назарияси ва методикаси, умумий психология, педагогик ва ёш психологияси;

сиртқи: педагогика назарияси ва тарихи, мактабгача тарбия методикаси, педагогика ва ёш назарияси;

ОЧИҚ КОНКУРС АСОСИДА АСПИРАНТУРАГА:

кундузги: математик таҳлил, оптика, акустика, иссиқлик физикаси ва молекуляр физика, КПСС тарихи, илмий коммунизм ва социализм назарияси, илмий атеизм, дин (тарих ва ҳозирги замон); СССР халқлари адабиёти (совет даври, СССР халқлари тиллари), педагогика назарияси ва тарихи;

сиртқи: КПСС тарихи, СССР тарихи, диалектик ва тарихий материализм, этика, СССР халқлари тиллари;

Аспирантурада ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқишга ёши 35 дан, ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқишга ёши 45 дан ошмаган, олий маълумотли, олий ўқув юртини тугатгандан сўнг камида 2 йил танлаган ихтисоси бўйича амалий иш тажрибасига эга бўлган ва илмий тадқиқот ишларига лаёқатли бўлган кишилар қабул қилинадилар.

Бевосита олий ўқув юртини битирган ёш мутахассислар аспирантурага конкурс имтиҳонларига олий ўқув юртлари (факультетлар) **кенгашлари тавсияномасига биноан қўйиладилар.**

Аспирантурага кириш учун ректор номига бериладиган аризага қуйидаги ҳужжатлар қўшиб топширилади: сурат ёпиштирилган кадрларни ҳисобга олиш варақаси, таржимаи ҳол, охирги иш жойидан характеристика, нотариал идора томонидан тасдиқланган диплом нусхаси ва зачет ведомостидан кўчирма, кундузги аспирантурага кирувчилар учун охирги иш жойидан ойлик иш ҳақи кўрсатилган справка, эълон қилинган илмий ишлар рўйхати, эълон қилинган илмий ишлари йўқ кишилар танлаган ихтисоси бўйича (20-25 машинкада босилган варақ) илмий докладлар, рефератлар, турар жойидан справка, медицина справкаси.

Аспирантурага кирувчилар қуйидаги фанлардан имтиҳон топширадилар: ихтисослик бўйича, марксизм-ленинизм асослари, олий ўқув юртлари учун амалдаги программа ҳажмида чет (инглиз, немис, француз, испан, итальян) тилларидан бири.

Ишлаб чиқаришдан ажралган ва ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда аспирантурага кириш имтиҳонларини топширишга қўйилган кишиларга имтиҳонларга тайёргарлик кўриш ва топшириш учун иш жойидан ойлик иш ҳақи сақланган ҳолда қўшимча 30 кун отпуска берилади.

Кандидатлик имтиҳонларининг бир қисмини топширган кишилар аспирантурага кираётган вақтда уларга қолган имтиҳонларнинг ҳар бирини топшириш учун қўшимча 10 кунлик ҳақ тўланадиган отпуска берилади.

Аризалар ва ҳужжатлар 1990 йил 1 майгача қабул қилинади.

Справкалар учун институтнинг аспирантура бўлимига 55-47-86 телефони орқали мурожаат қилинсин.

«Ўзбекконцерт»
В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА
1 МАЙ СОАТ 19.00 ДА,
2 МАЙ СОАТ 15.00 ВА 19.00 ДА
ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ АРТИСТИ
Нуриддин ҲАМРОҚУЛОВ
ИШТИРОКИДА
«АЙЁМИНГИЗ МУБОРАК!»
ЯНГИ КОНЦЕРТ ПРОГРАММАСИ ҚАТНАШАДИЛАР:
Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган артист
ГУЛЧЕҲРА ФОЗИЛЖОНОВА
Хонандалар: Дадахон ҒАНИЕВ,
Ҳотамжон ЎРИНБОЕВ.
Концертдан тушган маблағнинг бир қисми БОЛАЛАР ФОНДИГА ва бир қисми ОРОЛ ФОНДИГА ўтказилади.
Программани сўз устаси МАШРАБ НАЗАРОВ олиб боради.
Касса соат 11.00 дан очиқ

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг
ЭКОНОМИКА ИНСТИТУТИ
секторлар бўйича
ВАКАНТ ВАЗИФАЛАРГА
КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

катта илмий ходимлар: аҳоли ва унинг бандлиги муаммолари, маблағларни тежашнинг иқтисодий муаммолари, Тошкент халқ-маркази (2);

илмий ходим ва кичик илмий ходим: халқ хўжалиги комплексини мақбуллаш;

илмий ходимлар: фаровонлик муаммолари, социал иқтисодий муносабатларни такомиллаштириш, илмий-техника тараққиётини иқтисодий рағбатлантириш.

КОНКУРС МУДДАТИ — 30 АПРЕЛГАЧА.

Қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: 700170, Тошкент шаҳри, И. Мўминов кўчаси, 9-уй Телефон: 62-93-51.

Театр

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 24/IVда **Олтин девор**, 26/IV да **Жар.**

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 24/IV да **Мушкул савдо**, 25/IV да **Анқовлар чайқови.**

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЁШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 24/IV да **Паранжи сирлари** (19.00), 25/IV да **Отасининг қизи** (19.00), 26/IV да **Отасининг қизи** (19.00).

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги давлат кооператив қўмитасининг «Ўзбошагротаъминоттузатиш» бошқармаси жамоаси янги техника бўлимининг етакчи мутахассиси О. Абдуназаровга отаси

Абдуназар СОИПОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Фанлар Академияси Қўлёзмалар институти жамоаси институт ихтисослашган босмахонасининг собиқ мудири

Маҳмуд Иброҳимович ИБРОҲИМОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Жумҳурият балиқчилик давлат матлубот бирлашмаси ходимлари бирлашма бош мутахассиси

Эргаш Турсунович ТУРСУНОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Вазирлар Кенгашининг аппарати жамоаси масъул ходим

Утнир Сирожиддинович ҒИЕСХУЖАЕВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» («Советский Узбекистан») Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, пропаганда — 32-55-70, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70, совет қурилиши — 33-12-46, 32-57-20, 32-54-18, фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21, адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, халқаро ҳаёт — 32-54-14, хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 32-53-16 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06, коммунистик ахлоқ — 32-54-29, фельетонлар — 32-54-27, иллюстрация — 32-57-22.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.
Газета офсет усулида, А—2 форматида босилади.

Р.—04230. № 95. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12